

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВ ИЛЁСЖОН БАХРОМОВИЧ

**ЎРТА АСР ИСЛОМ ШАРҚИДАГИ ГНОСЕОЛОГИК ВА ТЕОЛОГИК
ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗARO СИНТЕЗЛАШУВИ:
ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро- 2022

УДК: 28-9(1-11)/653/

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление
автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract
of the doctor of sciences (DSc)**

Сиддиқов Илёсжон Бахромович

Ўрта аср ислом шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг
ўзаро синтезлашуви: тарихий-фалсафий таҳлил.....5

Сиддиков Илёс Бахрамович

Взаимный синтез гносеологических и теологических воззрений
средневекового Исламского Востока: историко-философический анализ.....33

Siddikov Ilyos Bakhromovich

Mutual synthesis of gnoseological and theological views in the medieval
islamic: historical and philosophical analysis63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....68

**БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.
РАҚАМЛИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

СИДДИҚОВ ИЛЁСЖОН БАХРОМОВИЧ

**ЎРТА АСР ИСЛОМ ШАРҚИДАГИ ГНОСЕОЛОГИК ВА ТЕОЛОГИК
ҚАРАШЛАРНИНГ ЎЗARO СИНТЕЗЛАШУВИ:
ТАРИХИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ**

09.00.03 – Фалсафа тарихи

**Фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро- 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.4.DSc/Fal104 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Юлдашев Махамадилхом Мамаюнович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Тўраев Бахтиёр Омонович**
фалсафа фанлари доктори, профессор

Мадаева Шахноза Омонуллаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Намозов Бобир Бахриевич
фалсафа фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/27.02.2020.F.72.08 рақамли бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “28” июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (140 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200114, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (65) 221-25-87.)

Диссертация автореферати 2022 йил “15” июль куни тарқатилди.
(2022 йил “15” июль даги 10 рақамли реестр баённомаси.)



Наврўзова Г. Н.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Шарипов А.З.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари доктори, доцент

Саломова Ҳ. Ю.

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ўрта аср мусулмон шарқидаги диний-фалсафий таълимотлар инсоният цивилизациялари тарихида ўзига хос гносеологик ва теологик моҳияти билан замонавий билимларнинг назарий асослари сифатида эътироф этилмоқда. Ўрта аср ислом уламолари, мутафаккирлари қарашлари негизидаги инсонпарварлик, ҳақиқатсеварлик, дунёни билиш, маънавий-руҳий тарбия, диний ва дунёвий билимлар уйғунлигини таъминлаш, ақлий ва ахлоқий етукликка эришиш ҳақидаги ғоялари замонавий, маърифатли, барқарор жамият барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, глобаллашув жараёнлари сабабли ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар кескин тус олган ҳозирги даврда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама интеллектуал салоҳиятли, маънавий етук қилиб тарбиялаш, турли ғайриинсоний ғоялар таъсиридан асрашда аждодларимизнинг инсонпарвар мақсадларга йўналтирилган гносеологик, теологик қарашлари орқали ечим топиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Дунёнинг нуфузли илмий тадқиқот марказлари, таълим муассасаларида Шарқ мутафаккирларининг жаҳон илм-фани ва фалсафаси тараққиётига қўшган ҳиссасини баҳолаш ҳамда гносеологик ва теологик қарашларнинг туташ нуқталарини аниқлаш, уларнинг гуманистик концепцияларига оид фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Жумладан, замонавий фалсафа мусулмон шарқидаги теологик ва гносеологик қарашлар синтезлашувига оид қарашларни тадқиқ этиш бўйича кластер назарияларни илгари сурмоқда. Бу назариялар диний ва дунёвий қадриятлар интеграцияси, умуминсоний қадриятларнинг ягона негизда уйғунлашуви ва эпистемологик муаммоларининг ҳали етарлича ўрганилмаганлиги янгича ёндашувлар, замонавий кенг тармоқли тадқиқотлар заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда маърифатли, маънавий-руҳий етук, интеллектуал салоҳиятли ёшларни тарбиялашда аждодлар илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этишга, уларнинг замон руҳига мос ғояларидан ёш авлодни муносиб ворислар этиб тарбиялашга оид ислохотлар амалга оширилмоқда. “Бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. ...Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда, тушунарли, жозибали шаклда етказиб бериши зарур”¹. Бу борада ўрта аср мусулмон шарқи алломаларининг ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини тарғиб этувчи гносеологик ва теологик таълимотларидаги гуманистик концепциялар негизида шаклланган конструктив аҳамиятга эга фалсафий ғояларини ҳар томонлама илмий-назарий тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

¹Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 224.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”, 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2021 йил 1 июлдаги ПФ-6255-сон “2021-2026 йилларга мўлжалланган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” фармонлари, 2018 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2018 йил 14 августдаги ПҚ-3907-сон “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4307-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2022 йил 10 февралдаги ПҚ-126-сон “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш ва тадқиқ этиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарорлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишга мувофиқ бажарилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи². Мусулмон шарқининг гносеологик ва теологик таълимотларининг фалсафий-ирфоний ғояларини ўрганиш ҳамда унинг жаҳон фалсафий тафаккури ривожига таъсири масалалари бўйича дунёнинг қатор илмий тадқиқот институтлари, марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Institute of Islamic Studies - University of the Philippines (Филлипин), Institute of Islamik Studies (Канада), The Institute for Islamik World Studies, Zayed University (БАА), Cembridge, Oxford, London universities (Буюк Британия), Institute of Islamic Studies (Германия), Institute of arab and Islamic Studies (UK), Departament of Asian and Asian American Studies at Stony Brook University (АҚШ), The Islamik Studies program at the University of Detroit (АҚШ), Sorbone University (Франция), International Institute for Islamic Studies (Iran), шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; <https://www.doshisha.ac.jp>; <https://www.utoronto.edu>; <https://www.cbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumei.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган.

тадқиқот маркази ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси маркази (Ўзбекистон) томонидан фундаментал тадқиқотлар амалга оширилмоқда.

Жаҳон фалсафаси тарихи манбаларида ўрта аср мусулмон шарқининг йирик уламулари, олимлари, мутафаккирлари қарашларидаги теологик ва гносеологик аҳамиятга эга ғояларининг фалсафий жиҳатлари таҳлили хусусан, калом, тасаввуф фалсафасининг ирфоний-фалсафий масалалари бўйича амалга оширилган илмий тадқиқотларда қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: калом илми тарихида Марказий Осиё мутакаллимларининг маънавий мероси, хусусан, калом илмига оид манбалардаги диний бағрикенглик, замонавий дунёвий жаmiятда ислом кадриятларини интеграция қилиш, тинчлик, адолат, инсон ҳуқуқлари топталишини олдини олиш, руҳий-маънавий камол топишни тарғиб қилишдаги ўрни илмий асосланган (Islamic Supreme Council of America, ISCA – Америка Ислом Олий Кенгаши); ўрта аср мусулмон шарқи мутафаккирлари меросидаги теологик ва гносеологик масалаларнинг замонавий фалсафий таълимотлар билан ўзаро алоқадорлиги ва таъсири, уларнинг синтезлашув жараёнлари тарихий-фалсафий жиҳатдан асосланган (University of Birmingham school of philosophy, theology and religion islamic studies); ўрта аср мусулмон шарқи алломаларининг илмий-маънавий мероси, айниқса, гносеологик ва теологик мазмундаги манбаларининг таснифи ишлаб чиқилган (Россия ФА Шарқ кўлэмалари институти, Россия); Шарқ мутафаккирларининг калом, тасаввуф, ҳадис, фикҳ илмларининг ривожланиши теологик таълимотлар шаклланишига ҳамда бу таълимотларнинг фалсафий тафаккур тараққиётига ворисийлик таъсири асосланган (School of Culture, religions and policy in Asia, Буюк Британия).

Дунёда мутакаллимлар, мутасаввифларнинг теологик ва гносеологик таълимотларининг фалсафий жиҳатларини ўрганиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: диний-фалсафий қарашларнинг оламнинг яралиши, Аллоҳнинг зоти, исм ва сифатлари, олам ва одам муносабатлари, инсоннинг яхшилик ва ёмонликка мойиллиги сабабларини очиб беришга оид; диний бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик, ҳалол меҳнат қилиш, меҳр-шафқат, ўзаро ҳурмат туйғуларини шакллантиришга оид илмий концепциялар яратиш; умуминсоний-маънавий мерос заҳираларини бойитиш; илоҳиётшуносликда антропологик муаммолар, ижтимоий ва маънавий-ахлоқий ўзига хосликнинг инқирозини олдини олишга оид; теологик таълимотлар тарихини янада бойитишда ўрта аср Шарқ алломалари илмий меросининг гуманистик аҳамиятини очиб бериш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда ўрта аср Шарқ алломаларининг илм-фан, фалсафа, теология ривожига кўшган ҳиссаси, уларнинг гносеологик аҳамиятини ўрганиш бўйича Ғарб шарқшунос, исломшунос ва файласуф олимлардан Н. Suter, G. Sarton, R. Donald, M. Ulmann, C. Brockelmann, A. Jourdain, E. Renan, S. Munk, T. J. De Boer, O'leary De Lacy, Cruz Hernandez, W. M. Watt, H. Corbin, Ф. Роузенталь, Адам Мец, Т. Ж. Уинтер, Густав фон Грюнебаум, А. Шиммель, Р. Наллино,

М. Хотамий³ ва бошқаларнинг тадқиқотларида мазкур масалаларга кенг ўрин берилган.

Араб олимлари Имом Аҳмад ибн Қудома Мақсудий, Шамсиддин Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон ибн Қаймоз ибн Абдуллоҳ Заҳабий, Ҳоний ал-Ҳаж, Маҳмуд Асъад Жўшон, Муҳаммад Зако Кўнрапа, Абдурахмон Рафъат Пошо⁴ларнинг монографик тадқиқотларини муҳим манба сифатида айтиш мумкин.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатлари олимларидан В. Бартольд, И. Крачковский, Д. Кныш, Е. Бертельс, М. Степанянц, Б. Кедров, Г. Матвиевская, Б. Розенфельд, Е. Фролова⁵ларнинг тадқиқотлари мавзу доирасида муҳим методологик аҳамиятга эга.

Ўзбек олимлари И. Насыров, Б. Вахобова, М. Болтаев, Н. Комилов, Э. Каримов, Р. Шодиев, Г. Наврўзова, С. Сайфуллоҳ, Н. Сафарова, Г. Юнусовалар томонидан тасаввуф намояндalarининг онтологик, гносеологик ва антропологик қарашлари, М. Ҳасаний, Б. Намозов, К. Раҳимов, М. Маматов, Қ. Рўзматзода, З. Исҳоқова, Ҳ. Ҳомидий⁶ тадқиқотларида,

³ Suter H. Die Mathematiker und Astronomen der Araber und ihre Were, Leipzig, 1900; Ulmann M. Medizin in Islam. Handbuch der Orientalistik, Abteilung 1, Ergänzungsband VI, Abchnitt 1, Brill, 1970; Brockelmann C. Geschichte der arabischen litteratur. Leiden, Bd. 1-2. 1898-1902 Supplementbande, 1-3, Leiden, 1937-1942; Тимоти Ж. Уинтер. XXI асрда ислом: Постмодерн дунёда қиблани топиш / Тарж. Абдулҳаким Мурод. –Тошкент: Шарқ. 2005; Мец А. Мусульманский ренессанс. –Москва: Наука. 1973; Грюнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерки истории (600-1258). –Москва. 1986; Роузентал Ф. Торжество знания. Концепция знания в средневековом исламе.- Москва: Наука, 1978; Jourdain A. Recherches critiques sur L'age et L'origine des traductions d'Aristote. –Paris, 1819. Renan E. Averroes et L'averroisme. –Paris, 1882; Munk S. Melanges. De philosophie juive et arabe. – Paris, 1859; De Boer, T. J. Geschichte der Philosophie in Islam. –Stuttgart, 1901; O'leary, De Lacy. Arabic Thought and its Plase in History. –London, 1922; Cruz Hernandez, M. Filosofia hispano-musulmana. –Madrid, 1957; Watt W. M. Islamic Philosophy and Theology. –Edinburgh, 1962; Corbin H. History de la Philosophie islamique. –Paris, 1964; А.Шиммель. Мир исламского мистицизма / пер. с англ. Н. И. Пригариной, А. С. Рапопорт. 2-еизд., испр. идоп. -М.: ООО «Садра», 2012; Sarton G. Introduction to the History of Science. Vol. I-III. Baltimore, 1927.; Donald R. Hill. Sciense and techynology in ninth – centure Baghdad// Sciense in Western and Eastern Civilization in Corolingian Times, Birkhaser Merlag Basel, 1992.; Наллино Р. Илм а-фалак ва тарихи инд ал-араб фи-л-қурун ал-вуста. Рума.1911.; Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Тошкент: Минҳож, 2003.

⁴Имом Аҳмад ибн Қудома Мақсудий. Минхожул қосидин мухтасари: Саодат изловчиларга қўлланма. / Тарж. Абдулхамид Муҳаммад Турсун. Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент: “Movarounnahr”, 2014. – 468 б; Заҳабий, Имом Абу Абдуллоҳ Шамсиддин Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Усмон. Машхур даҳолар сийрати. –Тошкент: Шарқ. 2015. – 480 б; Ҳоний ал-Ҳаж. Солихлар гулшани. /Тарж: Зайриев Абдулхамид, Гиёсиддин Ҳабибуллоҳ. –Тошкент: “Nilol-Nashr”. 2021. – 432 б; Жўшон, Маҳмуд Асъад. Пайғамбар алайҳиссалом меросхўрлари. –Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги НМИУ, 2018; Кўнрапа, Муҳаммад Зако. Муҳаммад ва ислом тарихи. / Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Тошкент: Шарқ, 2017. –Б. 386; Абдурахмон Рафъат Пошо. Тобъинлар ҳаёти. (Нашрга тайёрловчилар Бобомурод Эрали, Баҳодир Карим) – Тошкент: Шарқ. 2018. –Б. 384.

⁵Бартольд В.В. Введение к изданию худуд ал-алам. Сочинение: Т. 8. –Москва: Наука 1973; Крачковский И.Ю. Арабская географическая литература // И.Ю. Крачковский Избранные сочинения. –Москва. Т. IV 1957; Кныш А.Д. Мусульманский мистицизм. – Москва, С.П: Дилия, 2004; Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965.; Степанянц М.Т. Философские аспекты суфизма.- М: Наука, 1987; Кедров Б. М. Классификация наук. В 3-томах. –Москва: Мысль, 1961-1965; Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XVII вв). Т-2. – Москва: 1983; Фролова Е.А. История средневековой арабо-мусульманской философии. - Москва. 1995;

⁶Насыров И. Р. Онтологические и гносеологические основания исламского мистицизма (генезис и эволюция). - Автореф. дисс. ...д.ф.н.- М., 2007.; Вахобова Б. Научные традиции в средней Азии по материалам арабоязычной биографической литературы XII-XIIIвв. // Исследования по истории, истории науки и культуры народов Средней Азии. –Ташкент: 1993, Болтаев М. Хўжа Абдухолик Ғиждувоний – инсондўст ҳаким, рифъат шайх. – Бухоро, 1994; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2009; Каримов Э. Хўжа Аҳрор ҳаёти ва фаолияти. – Тошкент: Маънавият, 2003; Шодиев Р. Суфизм в жизни народов Средней Азии (IX-XIII вв). – Самарканд, 1993; Наврўзова Г. Н. Абдухолик Ғиждувоний. – Самарканд: Имом Бухорий халқаро маркази,

тасаввуф илмига оид қарашлар, исломда аёлларнинг илм олишга бўлган ҳуқуқлари ҳамда илм оладиган кишиларга қўйиладиган вазифалар тадқиқ этилган. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг асарлари⁶да ҳам ислом дунёсининг илмий фаолияти ривож, ўрта асрларда ислом маданиятини шаклланиши ва тараққий этиш жараёнлари таҳлил қилинган.

Жаҳон ва Ўзбекистоннинг шарқшунос, тарихчи ва файласуф олимларининг Шарқ мутасаввифлари мероси хусусан, уларнинг гносеологик ва теологик қарашларини ўрганиш бўйича олиб борган изланишлари бугунги кун учун аҳамиятли эканлигидан далолат беради. Айти пайтда ушбу илмий тадқиқотлар доирасида мусулмон шарқи мутафаккирларининг гносеологик ва теологик таълиمولари етарлича асосланмагани боис, тадқиқотда гносеологик ва теологик қарашларининг синтезлашуви масалаларига диққат қаратилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Фарғона давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ф1-95-сон “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўрта аср ислом Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларининг ўзаро синтезлашуви ва унинг тарихий-фалсафий жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўрта аср Шарқ алломаларининг таълимотларини гносеологик ва теологик қарашларига оид манбалар таҳлили асосида очиқ бериш;

ўрта асрлар ислом теологиясининг юзага келиши, унга таъсир кўрсатган омиллар ва ривожланиш босқичларини тадқиқ этиш;

ўрта асрлар Шарқ фалсафий фикрида гносеологик қарашларнинг шаклланиши ва унга юнон ва ҳинд фалсафасининг таъсирини аниқлаш;

ўрта аср Шарқида теологик қарашларнинг ривожланишида калом фалсафаси, фикҳ ва тасаввуф илми анъаналарининг ўрнини асослаб бериш;

ўрта асрлар араб-мусулмон гносеологиясининг ислом теологияси билан синтезлашувини фалсафий-тарихий тадқиқ этиш;

2020; Сайфуллоҳ С. Етти пир (Дунё муршидлари). –Тошкент: “O’zbekiston»Akademnashr» 2019; Сафарова Н. Хожагон тасаввуфий таълимотида маънавий-ахлоқий кадрятлар масаласи. Фалс.фан.ном....дисс. – Тошкент: 2002; Юнусова Г. Абдулқодир Гийлоний маънавий меросида инсон моҳиятининг фалсафий таҳлили. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Самарқанд, 2019; Ҳасаний М. Хожаи Жаҳон – Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний // сўзбоши муаллифи акад М.М.Хайруллаев. Нашрга тайёрловчи кириш, таржима ва изоҳлар муаллифи М.Ҳасаний. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2003; Намозов Б. Абу Бакр Калободий тасаввуфий қарашларининг фалсафий асослари. – Тошкент: Фан, 2009; Раҳимов К. Хожагон-Нақшбандия тариқати ва етти пир. – Тошкент: “O’zbekiston” 2020; Маматов М. Тасаввуф таълимотининг тарихий-фалсафий моҳияти. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Тошкент: 2018; Рўзматзода Қ.Хожамназар Хувайдо диний-мистик қарашларининг XVII-XVIII асрлар Марказий Осиё тасаввуфи ривождаги ўрни. Фалс. фан. доктори (DSc) дисс. – Тошкент: 2020; Исҳоқова З. Нажмиддин Кубро. – Тошкент: “Аву matbuot-konsalt”, 2011; Ҳомидий Ҳ. Тасаввуф алломалари. – Тошкент: Шарқ, 2004;

⁶ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2019; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мукамал саодат йўли. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2019; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ислом тарихи. Биринчи ва иккинчи китоб. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2018; Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2016;

ўрта аср ислом таълимотида гносеологик ва теологик муаммоларнинг ақл, илм, амал сифатлари ва имкониятлари талқинини очиб бериш;

ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларининг ўрта аср маданий-маънавий муҳитига позитив таъсирини асослаш;

ўрта аср Шарқининг гносеологик ва теологик ёндашувларини замонавий фалсафий таълимотларга трансформациялашувини асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ўрта асрлар мусулмон шарқи диний-фалсафий қарашлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети ўрта асрлар ислом Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг синтезлашув жараёнлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда анализ ва синтез, комплекс ёндашув, тизимли-функционал ёндашув, контент анализ, ретроспектив таҳлил, диалектик, қиёсий таҳлил каби илмий билиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўрта асрлар Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашлар Шарқ ва Ғарб ёндашувлари асосидаги манбаларнинг диалогик-аргументар каби методологик аҳамияти ва уларнинг табиий фанлар тараққиёти, ақл устуворлиги ва инсонпарварлик каби умумийлик, барқарор тараққиётга мойиллик, жамоавийлик ва ҳамжиҳатлик каби хусусийлик, инсон маънавий-ахлоқий камолоти, миллий қадриятларга таяниш ва тинчликни асраш каби алоҳидалик тамойиллари очиб берилган;

ўрта асрлар ислом Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, маданий-маънавий, диний-фалсафий илдизларининг ақлга, мустақил фикр юритишга қаратилганлиги, методологик ва гносеологик категорияларнинг диний талқини яратилганлиги асосида юнон ва ҳинд фалсафаси таълимотлари билан ўзаро детерминистик таъсирда эканлиги мантиқий далилланган;

Шарқ алломалари гносеологик ва теологик қарашлари синтези калом ҳамда тасаввуф фалсафасида ваҳий, ирфон, илҳом, завқ, мукашофот каби ирфоний-фалсафий таълимотлар такомиллашувига ҳамда ақлий ва нақлий билишнинг ўзаро трансформациялашувига хизмат қилганлиги очиб берилган;

ўрта аср ислом гносеологияси ва теологиясининг ривожланишида калом фалсафасининг фикҳ ва тасаввуф илми анъаналари, ақл, илм, амалнинг илмул-калом (рационализм) билан уйғун ва қонулул-ислом (аподиктик) билан қарама-қарши жиҳатлари, уларнинг ашъарийлик (муросасозлик) ва мотуридийлик (мўътадиллик) мактабининг шаклланишида тутган ўрни ҳамда Шарқ алломаларининг мавзуга оид тасаввуфий-фалсафий қарашларининг қиёсий индукцияси очиб берилган;

ўрта асрлар гносеологик-теологик қарашларидаги диний ва дунёвий илмлар яхлитлиги, замон ва макон диалектикаси, толерантлик тамойилларини замонавий ислом дунёсига трансформациялашда ислом маънавиятини тиклаш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, ёшларни замонавий илмий билимлар билан қуроллантириш истиқболлари исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

талабалар, тасаввуф мактаби тингловчилари, республикада фаолият олиб бораётган имом-хатиб, имом ноибларнинг ўрта аср ислом шарқи алломаларининг теологик қарашлари, инсон, ахлоқ, маънавият ва ислом, тасаввуф фалсафасининг мазмун-моҳиятига оид билимлари кенгайтишига ва фалсафий мушоҳадалари ривожланишига хизмат қилган;

тарғибот тадбирлари иштирокчиларига ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларига доир Шарқ ва Ғарбда ҳозирги кунга қадар олиб борилган тадқиқотлар асосида уларнинг умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик жиҳатлари ҳақидаги билим ва кўникмалари оширилган, диний ва дунёвий илмларнинг замонавий билимларга трансформациялашувига доир билимларини ривожлантиришга хизмат қилган;

диний таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари учун услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

ўрта аср ислом шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро синтезлашуви, фанлараро ёндашув эволюцияси: Шарқ алломаларининг илмий мероси ҳамда Шарқда фанлараро ёндашувга оид ғоялар шаклланиш омилларининг эпистемологик ёндашуви асосида исломда интеллектуал фаолият, унинг мезонлари, машҳур фикҳ, калом илми вакиллари, мутасаввифлар ва муҳаддисларнинг илм ва амал уйғунлигини таъминлашга оид қарашлари билан мазмунан бойитишга хизмат қилган;

ўрта аср Ислом шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро синтезлашувини ёритиш муаммолари ҳақидаги илмий хулосалар билан бойитилиши, радиодастурларда берилган илмий хулосалар тингловчиларнинг калом фалсафаси, фикҳ ва тасаввуф илми анъаналари, шунингдек, ақл, илм, амалнинг уйғун ва қарама-қарши жиҳатлари, уларнинг ўрта аср ислом гносеологияси ва теологиясининг ривожланишида тутган ўрни ҳақида атрофлича маълумотларга эга бўлишларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқот жараёнида қўлланилган назарий қарашлар, тадқиқот усуллари ва ёндашувлар расмий манбалардан олинганлиги, нашр этилган илмий мақолалар, республика ва халқаро конференцияларда синовдан ўтказилганлиги, тадқиқот иши натижалари юзасидан берилган хулосалар, таклиф ишлаб чиқилганлиги ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан ислом дини, илоҳиёти ва фалсафаси моҳиятини ўрганишга оид илмий-тадқиқот ишларида, маданий-маърифий муассасалар, маҳалла, оила марказлари, интеллектуал салоҳиятни ўстириш билан шуғулланувчи ёшлар ижодий марказлари фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан “Фалсафа”, “Диншунослик”, “Ислом фалсафаси”, “Дин социологияси”, “Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси”, “Глобаллашув ва диний жараёнлар” фанларидан дарслик, ўқув қўлланмалар яратишда, фалсафа ва тасаввуф луғатларини такомиллаштиришда, шунингдек, “Маънавият ва

маърифат” марказларининг ёш авлодни тарбиялашга оид профилактик тадбирлар ва маънавий тарғибот фаолиятида, халқаро илмий-тадқиқот марказларининг буюк мутафаккирларнинг илмий ва диний меросини ўрганиш, халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб қилиш, маданий-маърифий тадбирлар ташкил этиш фаолиятида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўрта аср ислом шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро синтезлашуви: тарихий-фалсафий таҳлили бўйича тадқиқотнинг илмий натижалари асосида:

ўрта асрлар Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашлар Шарқ ва Ғарб ёндашувлари асосидаги манбаларнинг диалогик-аргументар каби методологик аҳамияти ва уларнинг табиий фанлар тараққиёти, ақл устуворлиги ва инсонпарварлик каби умумийлик, барқарор тараққиётга мойиллик, жамоавийлик ва ҳамжиҳатлик каби хусусийлик, инсон маънавий-ахлоқий камолоти, миллий қадриятларга таяниш ва тинчликни асраш каби алоҳидалик тамойилларига оид назарий хулоса ва амалий тавсияларидан Ўзбекистон Муслмонлари идораси тасарруфида очилган “Тасаввуф илмий мактаби” фаолиятида ва Мир Араб олий мадрасасининг талабалари учун каталоглар, альбомлар, илмий-методик манбалар базасини бойитишда фойдаланилган (Ўзбекистон муслмонлари идорасининг 2021 йил 28 декабрдаги 3707-сон маълумотномаси). Натижада, мадраса талабалари ва тасаввуф мактаби тингловчиларига ўрта аср ислом шарқи алломаларининг теологик қарашларининг моҳияти очиқ берилиб, калом, тасаввуф, ҳадис илмларини нотўғри талқин қилувчиларга раддия беришда асосли манба бўлиб хизмат қилган;

ўрта асрлар ислом Шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг вужудга келиши ва ривожланиш босқичлари, маданий-маънавий, диний-фалсафий илдизларининг ақлга, мустақил фикр юритишга қаратилганлиги, методологик ва гносеологик категорияларнинг диний талқини яратилганлиги асосида юнон ва ҳинд фалсафаси таълимотлари билан ўзаро детерминистик таъсирда эканлигига оид илмий-назарий хулосалардан Республика Маънавият ва маърифат марказининг “Ўзбекистон Республикасида 2021 йилда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури”нинг ижросини таъминлашда, марказ ходимлари ва “Маърифат” тарғиботчилар жамияти аъзолари учун “Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари” мавзусида туркум ҳудудий ва масофавий ўқувлар ташкил этиш” дастурининг “Халқимизнинг тарихий мероси, урф-одатлари ва миллий тарбия аъналарини асраб-авайлаш, кенг аҳоли қатламлари, айниқса, ёшларимиз ўртасида динлараро бағрикенглик, миллатлараро тотувлик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш” номли бандида белгиланган “Биз маърифатли ислом тарафдоримиз!” шиори остида ўтказилган тарғибот ишларида фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2021 йил 3 декабрдаги 02/02/1560-сон маълумотномаси). Натижада, марказ илмий ходимлари ва “Маърифат” тарғибот гуруҳи аъзоларида Ўрта аср Шарқ

алломаларининг гносеологик ва теологик қарашлари асосида шаклланган бағрикенглик, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини яратиш, маърифатли жамият барпо этишга оид тарғиботлари учун муҳим методологик-назарий сифатида хизмат қилган;

ўрта аср ислом гносеологияси ва теологиясининг ривожланишида калом фалсафасининг фикҳ ва тасаввуф илми анъаналари, ақл, илм, амалнинг илмул-калом (рационализм) билан уйғун ва қонуул-ислом (аподиктик) билан қарама-қарши жиҳатлари, уларнинг ашъарийлик (муросасозлик) ва мотуридийлик (мўътадиллик) мактабининг шаклланишида тутган ўрни ҳамда Шарқ алломаларининг мавзуга оид тасаввуфий-фалсафий қарашларининг қиёсий индукциясига оид назарий умумлашма ва хулосалар ҳамда амалий таклифлардан 2017-2020 йилларда бажарилган ОТ-Ф1-95 “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳани бажаришда, лойиҳа доирасида чоп этилган “Фанлараро ёндашувнинг мураккаб тизимларни тадқиқ этишдаги имконият ва истиқболлари” номли монографиянинг (2020 й.) “Ўрта Осиё мутафаккирларининг фанлараро ёндашувга оид ғоялари” номли 2-бобини тайёрлашда фойдаланилган (Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг 2022 йил 28 январдаги 04/11-516-сон маълумотномаси). Натижада фундаментал лойиҳанинг самарадорлиги ошишига, давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўшишда ва илм-фанни янги билимлар билан бойитишга хизмат қилган;

ўрта асрлар гносеологик-теологик қарашларидаги диний ва дунёвий илмлар яхлитлиги, замон ва макон диалектикаси, толерантлик тамойилларини замонавий ислом дунёсига трансформациялашда ислом маънавиятини тиклаш, бағрикенглик ва ҳамжиҳатликни қарор топтириш, ёшларни замонавий илмий билимлар билан қуроллантириш истиқболларига оид таклиф ва тавсиялар, илмий янгиликлардан ЎзМТРК “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Бедорлик”, “Ижод завқи”, “Таълим ва тараққиёт” “Миллат ва маънавият” (2020-2021 йй) туркум кўрсатувлар ва радиоэшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 17 декабрдаги 04-24-1903-сон маълумотномаси). Натижада, ўрта аср Ислом шарқидаги гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро синтезлашувини ёритиш муаммолари радиодастурларда тингловчиларнинг калом фалсафаси, фикҳ ва тасаввуф илми анъаналари хусусидаги билим ва кўникмаларининг ошишида хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 32 та илмий иш, жумладан, иккита монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 18 та илмий мақола (14 та республика ва 4 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўрт боб, тўққиз параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация умумий ҳажми 245 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, мавзу бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация бажарилган таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги тавсифланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотда қўлланилган усуллар ёритилган. Шунингдек, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган ҳамда диссертация натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўрта аср мусулмон шарқи гносеологик ва теологик қарашларини ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида ўрта аср мутафаккирлари теологик ва гносеологик қарашларини ўрганишнинг назарий манбалари ва уларнинг таснифи, мусулмон шарқи теологиясининг вужудга келиши ва унинг ривожланиш босқичлари, ўрта аср мусулмон шарқи гносеологик таълимотларининг такомиллашуви ва унга юнон, ҳинд фалсафаси ғоялари таъсири тадқиқ этилган.

Диссертант Ўрта аср Шарқ тафаккури ривожда гносеологик ва теологик қарашларнинг шаклланиши, ривожланиши ва ўзаро синтезлашуви муносабатини ўрганган хорижий ва маҳаллий тадқиқотчиларнинг асарлари мазкур тадқиқотга назарий-методологик асос вазифасини ўташни алоҳида таъкидлаб, уларни қуйидаги тартибда таснифлаш мумкинлигини қайд этади.

Ғарб шарқшунослари томонидан ёзилган асарлар, рисоалар ва бошқа илмий ишлар:

Машҳур шарқшунос Адам Мец ўзининг **“Мусулмон ренессанси”**⁷ асарини IX-X асрларда мусулмон Шарқида юз берган маданий ривожланишнинг тарихига бағишлаган. Бу асар IX-X асрлардаги Шарқ фани ва маданиятини ёритувчи ноёб қомус ҳисобланади. Асарда Европадаги ренессанс ҳамда мусулмон мамлакатларидаги юксалишнинг умумий илдизи, юнон фани ютуқларининг қайта тикланиши бўлганлиги қайд этилади. Адам Мецнинг китоби Шарқ халқлари ижтимоий ҳаётининг деярли барча қирраларини тарихий манбалар асосида ёритиб берувчи муҳим фундаментал тадқиқот ҳисобланади.

Ўрта асрлар Шарқ халқлари илмий ва диний меросини ўрганишда австралиялик Густав фон Грюнебаумнинг хизматлари ҳам муҳим аҳамиятга

⁷ Қаранг: Мец А. Мусульманский ренессанс. –Москва: Наука, 1973.

эга ҳисобланади. Унинг “Классик ислом”⁸ асарида Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига доир муҳим маълумотлар акс этган. Мазкур олимнинг “Замонавий ислом: маданий ўзликни англаш бўйича тадқиқотлар”⁹ ҳамда унинг раҳбарлиги ва бевосита иштироки натижасида яратилган тўпламлардан “Муслмон цивилизациясида умумийлик ва ҳар-хиллик”¹⁰лар ҳам муҳим манба ҳисобланади.

Айни пайтда Г.П.Матвиевская ва Б.А.Розенфельдларнинг фундаментал тадқиқоти¹¹, ислом фалсафасига оид био-библиографик асарлар силсиласини кенг кўламдаги маълумотлар билан бойитгани билан ажралиб туради. Шуниси аҳамиятлики, IX-XI асрларда Шарқдаги, хусусан, Марказий Осиёдаги илмий ва маданий жараёнлар мамлакатимиз олимларининг ҳам доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда. П.Г.Булгаковнинг “Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги фаолияти” номли тадқиқоти моҳиятига кўра кичик мақола бўлганлиги сабабли, унда Марказий Осиёлик айрим олимларнинг Бағдоддаги ижоди қисқа тезислар шаклида баён этилади. Шунингдек, мазкур асарда Марказий Осиёлик мутафаккирларнинг илоҳиётшуносликка оид қарашлари ва юнон фалсафаси таъсирида шаклланган гносеологик қарашларнинг аҳамияти ҳам ёритилган.

Ўрта асрлар ислом маданиятида ўз ўрнига эга бўлган тасаввуф таълимоти ҳам гносеологик-теологик изланишларнинг бир кўриниши бўлиб, унга доир асарлар, тадқиқот ишлари ҳам мазкур иш учун методологик манба бўлиб ҳизмат қилади. Хусусан, К.Раҳимовнинг “Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар)”¹² монографиясида ҳам Марказий Осиё тасаввуф илмини тарқоқ жиҳатлари тизимлаштирилган ва тартибга солинган. Унда тасаввуфнинг ривожланиши, ислом маданиятига, интеллектуал ривожланишига таъсири тадқиқ этилган. Бу орқали тасаввуф илмининг ислом дунёсининг маданий ва маърифий дунёқарашига таъсири кўрсатиб берилган.

Диссертацияда Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларининг ўзаро алоқаси, ўзаро боғлиқликдаги ғояларининг биридан иккинчисига ўтиш жараёнини қиёсий таҳлил нуқтаи назаридан ўрганиш мазкур тадқиқотнинг асосий мақсадини ташкил этиши таъкидланади.

Маълумки, теология (лот. theo – худо, logos - таълимот) ёхуд илоҳиёт – худо тўғрисидаги фан, таълимотдир¹³. Теология Худо, унинг сифатлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаш ва ҳимоя қилиш тизими, муайян дин томонидан белгиланган ақидаларнинг ҳақиқатлигини исботлаш билан бирга, диндорларнинг ҳаёт тарзи ва меъёрлари комплексини ҳам ўрганади.

⁸ Грюбнебаум Г.Э. Классический ислам. Очерки истории (600-1258). –Москва: Наука, 1986.

⁹ G.E. von Grunebaum. Modern Islam: Search for Cultural Identity. Berkely and Los Angeles, 1962.

¹⁰ G.E. von Grunebaum. Unity and Variety in Muslim Civilization. Chicago, 1955.

¹¹ Матвиевская Г.П., Розенфельд Б.А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды (VIII-XVII вв). В 3-х т. –Москва: 1983.

¹² Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотининг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). – Тошкент: “Akademnashr”, 2020. -Б. 396.

¹³ Религия: Энциклопедия / Сост. И общ. Ред. А.А. Грцанов, Г.В. Синоло. – Минск: Книжный дом, 2007. -С. 822.

Теология динларнинг ўз ақидасини, яъни худо тўғрисидаги ўз таълимотларининг бошқа ақидалардан тўғрироқ эканини исботлашни мақсад қилади. Жумладан, ислом дини доирасида илоҳиёт масалаларининг алоҳида кўриб чиқиладиган бошланиши, яъни калом илмининг вужудга келиши, VIII-IX асрларда жабарийлар, қадарийлар, мўътазилийлар, муржибийлар каби Аллоҳнинг зоти-сифатлари, тақдир каби масалаларда ихтилофларни юзага келтирган оқимларнинг пайдо бўлиши натижаси эди. Бу ҳолда соф ақидани янги пайдо бўлган таълимотлардан асраш, уни тўғрилигини исботлаш зарурати пайдо бўлганди.

Муҳаммад Хотамий ўзининг “Ислом тафаккури тарихидан” асаридан ислом илоҳиётшунослиги тасаввуф, калом, машшоюн (перипатетиклар ёки фалосифа), исмоилий ва ишроқийлар майдонида ривожланиб борганлигини таъкидлайди. Бунга у қуйидагича таъриф беради: “Амалда мусулмон жамиятининг рационал мавзуларини ҳамда Каломуллоҳ (Ваҳий) ва ақл, фалсафа ва дин орасидаги муносабатларни муҳокама қилиб, ҳар бири ислом тарихида ва мусулмонларнинг тақдирида алоҳида из қолдирган тўртта йўналишни кўриш мумкин:

1. Ислом фалсафаси деб аталган ва дин билан фалсафа орасидаги уйғунлик муносабатларини олий даражада қўйган оқим.

2. Динни ақлий ва мантиқий муҳокамалар, далиллар билан солиштирганда фикрлайдиган одамда уни қабул қилиш учун ҳеч бир имконият қолдирмайдиган ҳолатда олиб кўрадиган оқим.

3. Ақл ва фалсафанинг қўли қисқа, оёғи чўлоқ, у ҳақ ва ҳақиқатга олиб бора олмайди, деган ирфон ва тасаввуф оқими. Сўфийлар ҳақиқатга юрак қаноти билан етишиш мумкин, дейдилар ва “далил келтириб исботловчиларнинг оёғи ёғочдандир”, улар ҳаққа етишишга ожиз деб ҳисоблаганлар. Тасаввуф нафси ахлоқий жиҳатдан тараққий эттирадиган ҳаётий фалсафа бўлиб, у муайян амалий риёзат воситасида ҳақиқатга айланади ва баъзи вақтларда олий ҳақиқатга сингиш ҳиссига олиб боради. Шунингдек, ундан завқ ва ақл ила маърифат ҳосил қилишга олиб боради¹⁴.

4. Дин ва шариат ҳайбати ва ҳашамати олдида инсон ақлининг ожизлигини таъкидловчи оқим¹⁵. Ўша даврда қараматий, қадарий, жаҳамий, жабарий, хорижий ва мўътазилий каби йўналишлар пайдо бўлган ва улар ўртасидаги ақидавий тортишувлар ислом илоҳиётини ривожлантирган. Уламолар ўртасида авж олган баҳсу мунозаралар суннат аҳли имонини сусайтира бошлади. Ана шундай бир вазиятда, “аҳли суннат вал жамоат” ақидаларини бир-бирига зид бўлган хилма-хил бидъатчи фирқалардан муҳофаза қилиш мақсадида ислом илоҳиёт йўли – Калом илми вужудга келган. Ботил ақидали бидъатчи фирқалар кўпайгач, калом илми фикҳ илмидан ажралиб чиқиб, тафсир ва ҳадис илмлари каби асосий илмлардан бирига айланди¹⁶. Демак, ислом теологияси соф исломий ақидаларни бузиб талқин

¹⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент: “Hilol-Nashr”, 2016. –Б.35.

¹⁵ Хотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан. –Тошкент: Минҳож, 2003. –Б.58.

¹⁶ Ҳожи Аҳмадҷон Бобомурод. Соф исломий ақида: исломий мафкура. –Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2019. -Б. 9.

қилувчиларга қарши муҳофазакорлик фаолиятини бошлайди.

Диссертант Ўрта аср Шарқида гносеологик ва теологик қарашлар ривожланган фикрлар майдонида перипатетизмга асосланган фалсафанинг пайдо бўлиши туфайли шариат ва фалсафа ҳамда тасаввуф ва фалсафа орасида кучли зиддият вужудга келганлигини қайд этади. Тасаввуфнинг фалсафага қарши кураши тасаввуф доирасида “назарий ирфон”нинг ва Ибн ал-Арабийнинг буюк диний-фалсафий таълимотининг яратилишига олиб келди. Демак, шуни таъкидлаш лозимки, илк ислом теологияси “соф” фалсафа фанининг вужудга келишидан аввал ҳам ўзига хос шаклда мавжуд бўлган. Лекин шариат аҳли ва тасаввуфнинг фалсафа билан бўлган тўқнашувлари натижасида ҳам шариат, ҳам тасаввуф асосидаги илоҳиётшунослик янги, баландроқ мавқега кўтарилди. Мустамлий Бухорийнинг назарида, тасаввуф шунчаки сўфийлар ҳаёти ва фаолиятига алоқадор турли тушунчалар йиғиндиси эмас, балки, ҳар бири ўзининг муайян вазифасига эга бўлган бир-бирига ўзаро боғлиқ ҳодисаларнинг ягона мақсад, аниқ тузилиш, чегара ва босқичлари бўлган марказлашган тизимдан иборатдир¹⁷. Диссертантнинг фикрига кўра, перипатетиклар қарашларининг оммаланиши натижасида ислом илоҳиётшунослигини ривожланишига ва бу асосда ислом ақидаларини янада кучлироқ ҳимоя қилишга эҳтиёж юзага келди.

Диссертант Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларининг шаклланиши ва ривожланишида юнон фалсафаси, христиан илоҳиёти, ҳинд ва форс маданий мероси бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатганлигини Ғарб ва Шарқ олимлари, шарқшунослари томонидан эътироф этилгани ҳақидаги келтирган. Бу даврдаги гносеологик қарашлар ва фикрлаш тарзи сурияликлар, араблар, эронликлар, туркий халқлар, барбарлар ва бошқа миллат вакиллари иштирок этган мураккаб фикрий жараён ҳосиласидир. Лондон империял коллежи профессори Рим Туркманий фикрича, “ислом тамаддуни фақат қадимги юнон фалсафасинигина сақлаб қолгани йўқ. Мусулмонлар инсоният асрлар давомида тўплаган интеллектуал илмий меросни тўлиқ эгаллаб, нафақат астрономия ва математика, балки бошқа барча билимларни ўзлаштирдилар ва башариятни мутлақо янги илмий даражага олиб чиқдилар. Араблар ғоятда қизиқувчан, изланувчан одамлар эди. Таржимачилик ҳаракатининг дастлабки йилларидан бошлаб ислом олимлари янги, инқилобий ғояларни илгари сурдилар”¹⁸. Натижада кейинчалик Европа маданиятига таъсир кўрсатган, илм-фани учун назарий асос бўлган мерос яратилди. Улардан ғарбликлар асрлар давомида фойдаланишган.

Шунингдек, ўрта аср Шарқида гносеологик қарашлар ривожига юнон, ҳинд ва форс халқларининг илмий мероси ва фалсафасининг таржимачилик фаолиятининг ривожланиши ортидан ислом диёрига кириб келгани ва ислом мутафаккирларининг гносеологик қарашларига кучли таъсир кўрсатганлигини, илмий фаолиятнинг мавзуси, методологиясини ўзгартириб

¹⁷ Раҳимов К. Мовароуннаҳр тасаввуфи тарихи: таълимотнинг шаклланиши ва тизимлаштирилиши (VIII-XI асрлар). Тошкент: “Akademnashr”, 2020. -Б. 132.

¹⁸ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Олам ва одам, дин ва илм. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2019. – Б. 61.

юборганлигини кўришимиз мумкин бўлади. Зеро, “ислом байроғи остида ривожланган маданиятда юнон элементи билан бир қаторда Эрон-Мовароуннаҳр элементи ҳам кучлилиги шубҳасиздир. Ҳатто кўпинча бу маданият “форс-ислом” уюшмаси сифатида қабул қилинади. X аср бошларидан эса форс тили ислом мамлакатларида бадиий адабиёт, айниқса, шеърят тилига айланади, унинг элементлари араб тилига ҳам қўшилади”¹⁹. Бунга мисол тариқасида Муҳаммад Закариё Розийнинг гносеологик қарашларини келтириш мумкин. У инсон тўғрисидаги ўз фалсафий таълимотида дунё беш азалий ибтидодан ташкил топганлиги ва жисмларнинг атомлардан (бўлинмас заррачалар) иборат эканлиги, руҳларнинг кўчиб юриши, яъни таносух ақидаси ҳақида мулоҳаза юритадики, уни ҳинд фалсафасининг таъсирида шаклланган, деб ҳисоблаш мумкин. Жисмларнинг атомдан ташкил топганлиги ҳақидаги ақида Розийдан ташқари, мусулмон мутакаллимлари ўртасида ҳам ёйилган эди. Бу Арасту фалсафасига қарама-қарши кўйилган санавият (дуализм) ақидаси бўлиб, унга биноан жавҳар (субстанция) ва ораз (акциденция) икки мустақил ибтидо сифатида талқин қилинади. Санавият тез орада имон шартларидан бири сифатида майдонга чиқди. Мусулмон мутакаллимлари фақат бир истисно билангина модда, макон ва замон ҳақидаги атом назариясини қабул қилдилар ва унинг асосида мустаҳкам калом қоидасини ишлаб чиқдиларки, унда мутлақ ҳокимиятга эга бўлган ягона зот Худо эди. Аммо акциденцияни мусулмон мутакаллимлари мавжудотлардан алоҳида олиб қарадилар ва уни атом иплари сифатида таъриф этдилар. Улар тушунчасидаги аъроз Ашъария таълимотидаги каби ўз зотида кўра, боқий равишда қолишга қодир эмас эди.

Диссертациянинг **“Ўрта аср Шарқ алломалари фалсафий-ирфоний қарашларининг ривожланиш тенденциялари”** деб номланган иккинчи бобида ўрта асрларда калом ва тасаввуф илмларининг ривожланиши ва илоҳиётшуносликнинг тизимлаштирилиши ҳамда мусулмон файласуфлари таълимотларида гносеологик ва теологик қарашларнинг синтезлашуви тадқиқ этилган.

Диссертант ўрта аср Шарқда теологик қарашларнинг ривожланишида калом илми, фикҳ ва тасаввуф фалсафасининг ўрни юқори ҳисоблайди ва шу сабабдан уларни тадқиқ этиш ва ўрганиш бугунги куннинг долзарб вазифалардан бири бўлиб, калом илми, фикҳ ва тасаввуф фалсафаси алоҳида ҳодисалар сифатида кўплаб тадқиқотларда ўрганилган ва тадқиқ этилганлигини қайд этади. Бироқ уларнинг ислом цивилизациясининг шаклланиши, ўрта аср Шарқ гносеологик ва теологик ёндашувлар жараёнларидаги ўзаро алоқадорлигини, боғлиқлигини кўрсатиб берувчи тадқиқотлар унчалик кўп эмаслиги ҳақидаги хулосага келган. Зотан, “мамлакатимизда “жаҳолатга қарши - маърифат” деган эзгу ғоя асосида ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олийжаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий

¹⁹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б. 191.

масалалардан бири бўлиб қолади”²⁰. Шунинг учун ўрта аср Шарқ теологик қарашларининг гносеологик фикрлаш тарзи билан таъсирлашуви, муносабатга киришиши ва ривожланишидаги диалектик алоқадорлигини, муштараклигини кўрсатиб бериш муҳим аҳамият касб этади. Натижада, бу даврда исломий қадриятларнинг шаклланиши ва унга бўлган муносабатнинг ижтимоий тараққиётга таъсирини англашга имкон беради. Зеро, “илм сўзи Аллоҳнинг Китоби, Пайғамбар суннатида чеклов ва қайдларсиз мутлоқ келган. Демак, илм – юрт ободлиги, дунё яхшилиги, инсоният учун икки дунё саодатидир”²¹. Бу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда, ислом илоҳиётининг ривожлантирган ва унда тугал теологик ёндашувларни шакллантирган омиллар, илмлар ва ҳаракатларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта аср ислом теологияси ўз таркибига беш йўналишни, яъни тасаввуф, калом, машшоиюн (перипатетиклар ёки фалосифа), исмоилий ва ишроқийяни қамраб олади. Улар ичида калом илми муҳим ўрин тутди. Шу боис шарқ теологик қарашларини ривожланишида унинг ўрни юқори ҳисобланади. Ислом дини ҳам калом илми орқали ўзнинг юксак инсонпарварлик моҳиятини ва мукамал асосини кўрсатиб берди.

Калом фалсафаси ислом илоҳиётининг энг юқори чўққиси ва фикрий тараққиётининг намунаси сифатида қадрланади. Калом сўзи “нутқ” ва “сўз” маъноларини англатади. Баъзи манбааларда “мунозара”, “баҳс”²² маъноларини англатиши ҳам келтирилган. Умумий маънода диний-фалсафий мавзуларга бағишланган кенг мулоҳаза юритишга нисбатан ишлатилса, тор маънода эса – ислом ақидаларини фақатгина обрўли руҳонийлар фикрига эргашиб эмас, балки ақлга ҳам асосланиб талқин қилувчи фан сифатидаги илоҳиётни билдирган. Калом илми вакиллари мутакаллимлар деб аталган. Мутакаллимлар турли мактаблар ва гуруҳларга бўлинганлар, лекин уларнинг барчаси у ёки бу даражада рационализмдан фойдаланганлар. Уларнинг асосий мақсади барча воситалардан фойдаланган ҳолда ўз эътиқодларини исботлаш ва, энг муҳими, мусулмон аҳли учун мақбул бўлган исломий ақидалар тизимини яратишдан²³ иборат бўлган. Бу эса, теологик қарашларни соф ислом рационализи ва гносеологик ёндашувлари билан синтезлашувчини талаб қилган.

Калом илми дастлаб исломда мавжуд бўлган турли сиёсий-диний фирқаларнинг ўзаро мунозаралари ва бошқа дин вакиллари билан бўлган баҳслашишлар жараёнида шаклланди. Ислом даврининг дастлабки босқичларида жамиятнинг диний-ҳуқуқий асосларини турли дин ва халқларнинг миллий маданияти ташкил қилар эди. Ўзга динларда бўлгани каби исломнинг назарий-ҳуқуқий томонлари кейинги асрларда шакллана бошлади. Чунки бу дин ўрта асрларда ўз атрофига араб бўлмаган – ажам халқларини ҳам бирлаштиришга улгурган эди. Шу туфайли исломнинг диний-

²⁰ Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2020. –Б. 43.

²¹ Сирожий Р. Ислом ва олам. – Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б. 14.

²² Corbin H. Histoire de la philosophic islamique. –Paris:1964.-P. 73.

²³ Прозоров С.М. Введение // Аш-Шахрастани Мухаммад ибн Абд ал-Карим. Книга о религиях и сектах. Ч.1. - Москва: Наука, 1984. - С.12.

хукукий таълимотини яратишда бу динни қабул қилган турли миллат ва ирқ вакилларининг манфаатларини ҳам ҳисобга олиш лозим эди. IX аср ўрталарига келиб исломда йирик оқимларни суннийлар, муътазиллийлар, муржийлар, шиалар ва хаворижийлар ташкил қилар эди.

Диссертацияда ўрта асрлар ислом теологиясини ўрганишда тасаввуф илми муҳим аҳамиятга эгаллиги таъкидланади. “Тасаввуф бир илм бўлиб, у ила нафсининг аҳволи – яхши ва ёмони, унинг ёмонини поклаш йўли, яхшисини зийнатлаш йўли, Аллоҳ таолога томон юриш кайфияти ва унга томон қочиш услуби ўрганилади”²⁴. Мусулмон фалсафасида тасаввуф инсон қалби ва руҳиятини нишонга олиб, жаҳолат ва худбинликка қарши ўлароқ майдонга чиққани, ахлоқий покликни тарғиб этган, шу билан бирга у расмий диний ақидапарастлик ва мутаассибликка ҳамда ҳоким табақаларнинг айшу ишратга фарқ турмуш тарзи, талончилик ва манфаатпарастликка зид ўлароқ меҳнаткаш халқ норозилигини ифодалаб келган. С.М. Ҳотамий фикрига кўра, “тасаввуфнинг бош вазифаси борликка эмпирик маъно бериш, унинг зоҳирий кўринишидан, яъни атроф муҳитдан халос бўлиш, ҳиссиётлар ва ақлдан ташқари турувчи руҳий-маънавий ҳақиқатни топишга кўмаклашадиган психологик ва амалий усулни танлашдир. Охир-оқибатда тасаввуф яхлит илоҳий вужуд билан қўшилиб, оламнинг олий ҳақиқатига эриб, қоришиб кетишни даъво қилади”²⁵. Шарқшунос олимлар тасаввуфнинг фалсафий асосларини, дунёқараш сифатидаги моҳиятини аниқлаш мақсадида турли йўллардан борганлар. Масалан, Фарб шарқшунослари тасаввуфга доир манбаларни христиан мистикасини таҳлил қилиш учун ишлаб чиқилган тушунча ва усуллардан фойдаланган ҳолда, сўфизмга оид материалларни уларга маълум бўлган христиан мистицизмни ўрганиш тажрибаси билан таққослаб, фарқларини, ўзига хослигини аниқлашга ҳаракат қиладилар.

Абу Ҳомид Ғаззолий фикрича, билишнинг энг юқори тури тўғридан-тўғри тажриба ва “завқ” воситасида ҳосил қилинадиган ақл ёки имон йўли билан қўлга киритилмайди. Шундай бўлса ҳам, худони билишнинг тўғри йўли “тажрибавий” билишлар жумласидан жой олади. Баъзилар бу дунёнинг шодликлари ва ғам-ғуссалари билан шунчалик муккаларидан кетадиларки, худонинг нурини идрок эта олмай қоладилар. Бошқа бировлар худони фақат бу дунё билан бўлган алоқаси доирасидагина биладилар, яъни осмонларни айлантирувчи ва биринчи ҳаракат манбаи сифатида танийдилар.

Ўрта аср Шарқ гносеологлари ва теологлари томонидан “билим”га берилган таърифлар ўртасида фарқ бўлиб, файласуф ва илоҳиётчиларнинг мақсадлари ҳар хил бўлганлигидан далолат беради. Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларида “ақл” тушунчаси катта аҳамият касб этган. Ислом илоҳиётига кўра, “ҳикматга ақл орқали эришилади, ақлнинг ўзи эса ваҳийнинг намоёни бўлган макрокосмик ҳақиқатнинг микрокосмик аксидир, деб ушбу таълимотга асосланган ҳолда ислом фалсафасида ақл таълимотини ривожлантирдилар. Агар Форобийнинг фалсафани ҳикматни

²⁴ Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Тасаввуф ҳақида тасаввур. –Тошкент: “Hilol-nashr”, 2016. -Б.35.

²⁵ Ҳотамий С.М. Ислом тафаккури тарихидан.- Тошкент: Минҳож, 2003.-Б.51-52.

англаш илми сифатида тавсифлагани ва бу хулоса кейинчалик ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолгани ҳисобга олинса, масала янада ойдинлашади”²⁶.

Ўрта аср Шарқ гносеологиясида ақл муҳим аҳамиятга эга бўлган ва уни турли жиҳатларда ўрганишган, масалан, ақл – фикр тушунчаси сифатида. Ақлга, билимга эга бўлган ва шариат талабларига бўйсунувчи, балоғатга етган инсон тўғри хулқ-атвор эгасидир. Демак ақллилик дин ақидалари, расм-русумларидан хабардор бўлиш, уларни билишдан иборат, ақллилик диндорликка тенгдир. Ақллилик инсоннинг ўзининг-ўзи ва жамиятга нисбатан масъулиятини ифода этади, ўзида диндан хабардорлик ва ҳаётий прагматизмни бирлаштиришни ифодалайди. Ибн Сино илоҳиётида ақл муаммосига қўйидагича муносабатни кўриш мумкин: “Маълумки, руҳлар фойдаланиши мумкин бўлган тана вужудга келгандагина руҳлар пайдо бўладилар... сўнг шундай ҳолат пайдо бўладики, у ақлга асосланган ҳаракатларни таъминлайди...”²⁷. Ибн Сино руҳга таъриф берар экан, уни кўзгу билан таққослайди, бу кўзгуда нарсаларнинг шакллари акс этади. Инсон мияси кўзгу каби оламнинг бир қисмини ўзида акс этади, бунда нафақат унинг ташқи кўриниши, балки ундаги ички алоқадорлик ҳам кўринади. Онг мазмуни – худди кўзгудаги нарсанинг акси каби моддий эмасдир.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларини ислом илоҳиётшунослиги билан синтезлашувини шарқ перипатетикларининг ғоя ва таълимотларида кўриш мумкин. Ўрта осийда янги афлотунча қарашларининг тараққиётида Киндий, Розий, Форобий ва Ибн Синоларнинг ғоялари муҳим ўрин тутаяди. Киндий тафаккурида кўпроқ Арасту унсурлари устунлик қилса, Абу Бакр Закарийя Розийда Афлотун қарашлари кучлироқ эди.

Янги афлотунча ақидаларнинг шарҳи йирик ислом файласуфи Абу Наср Форобий асарларида берилган. У табиий-илмий, ижтимоий фанлар, билиш назарияси каби умумфалсафий масалаларни ёритар экан, энг аввало ақл ва фалсафий тафаккур муаммоларини ўртага қўяди²⁸. Форобий назарича, мантиқдан табиат фалсафасига етиб келиш, мантиқдан ахлоққа етиб келишдек, табиийдир. У ўзининг барча илмларни қўйидагича саккиз ном остида тасниф қилади: илму луғат (филология), мантиқиёт (логика), риёзиёт (математика), табиёт (табиатшунослик), илоҳиёт, сиёсиёт (сиёсатшунослик), фикр (ислом ҳуқуқи) ва калом. Унинг фикрича, “инсоннинг фикрлаш қобилияти уни инсон қилиб турган табиатининг биринчи босқичидир. У амалдаги ақлга айланишга қобилиятли ва имкониятлидир. У фаол ақлга етишиш учун яна икки босқичдан ўтади, таъсирчан ақл амалдаги ақлга айланади ва шундан кейин ақл мустафид, яъни фойдали ақлга айланади. Мана шу биринчи босқични забт этган одам билан фаол ақл ўртасида ҳам икки босқич бор”²⁹. Форобий дин ва фалсафани ҳақиқатга етишишнинг икки

²⁶ Сайидахмедова А.С. Ислом фалсафасида гносеологик масалалар талқини / фалс.ф.н. илмий дар...авторреферат. - Тошкент, 2009. – Б. 16-17.

²⁷ Ибн Сина. Книга о душе // Избранные философские произведения. – Москва: Наука, 1980. – С. 448-489.

²⁸ Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг “Фи маъоний ал-ақл” асарида гносеологик масалалар: методик қўлланма. –Тошкент: “Tamaddun”, 2012. -Б. 6.

²⁹ Юлдашев Ф. Абу Наср Форобийнинг “Фи маъоний ал-ақл” асарида гносеологик масалалар: методик қўлланма. –Тошкент: “Tamaddun”, 2012. -Б. 126.

мустақил усули, деб ҳисоблаган.

Ўрта аср Шарқ мутафаккирлари илоҳиётчилардан фаркли ўларок, ўзларининг гносеологик қарашлар тизимини ишлаб чиқишда, билимлар ишончлилиги ҳақида тушунчаси ва билимлар ишончлилигини аниқлаш меъёрларига яна бир муҳим элементни киритишади. Мутакалимлар билимлар ишончлилиги масаласида анъаналар, Қуръонга мурожаат қиладилар. Муътазиллийлар биринчилар қаторида бундай ёндашишга қарши чиқиб, инсон яратган нарсалар доирасида пайдо бўладиган масалаларда ва ҳақиқатни аниқланишда устунликни ақлга берадилар. Ашъарийлар анъанасида ҳам бундай ёндашиш сақланади. Мутафаккирларнинг гносеологик қарашлари орқали мантиқ фанини ривожлантирдилар, билимнинг ишонарлилиги даражасини аниқлашнинг мантиқий усуллари ишлаб чиқишган.

Ўрта аср араб-мусулмон Шарқида илмий салоҳият ҳеч бир асоссиз, ўз-ўзидан ривожланиши мумкин эмас эди. Бинобарин, бу заминда асрлар давомида шаклланиб келаётган илмий тараққиёт ва муносиб шарт-шароитлар мавжудлиги боис гносеологик дунёқараш ҳам юксалиб борган.

Диссертациянинг **“Ўрта аср мусулмон шарқида гносеологик ва теологик таълимотларнинг ўзаро боғлиқлиги ва фарқи”** деб номланган учинчи бобида мусулмон файласуфлари қарашларида ақл, илм ва амал бирлиги тушунчаларининг теологик ва гносеологик моҳияти талқини ва ўрта аср ислом фалсафасида гносеологик ва теологик қарашларнинг ўзаро алоқадорлиги ва фарқи Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларининг қиёсий индукцияси тадқиқ этилган.

Ўрта асрлар ислом теологияси ўзининг мустаҳкам эпистемологик асоси орқали ривожланиб борган. Яъни, бу даврда ислом теологик мафкураси асосида шаклланган эпистема билиш фаолияти учун барқарорликни таъминлаб берган. Ишонч орқали ислом фалсафаси янада мустаҳкамланиб, теологик ва гносеологик фаолиятда ҳамжиҳатлик ва бирдамликни яратган бўлса, ақл орқали уларнинг моҳияти янада аниқ ва тушунарли бўлиб борган. “Ислом таълимотлари ҳам дунё ишларини шу ақл йўриғи ва тадбирига биноан бошқаришга йўл кўрсатади, мақсад ва қизиқишлари ҳар хил бўлишига қарамай, қилинадиган ишларни икки қисмга ажратади. Биринчиси, ақлга биноан қилиш вожиб бўлган қисмни шариат қувватлайди. Иккинчиси, ақлга биноан қилиш жоиз бўлган қисми шариат тасдиқлайди. Ақл ана шу икки қисмга устун ва таянч вазифасини бажаради. Зеро, мутааллим, яъни илм ўрганувчи аввал ўз нафсини разил ахлоқ ва жирканч сифатлардан покламоғи лозим, зотан илм қалбнинг ибодатидир”³¹. Шунингдек, ислом теологиясига кўра, илм олувчи ўзини илмдан чалғитадиган барча алоқалардан узмоғи керак, чунки фикр бошқа нарсаларга бўлинса, ҳақиқатларни идрок этишдан ожиз бўлади. Ислом илоҳиётининг асл муддаоси ҳам ҳимояланиш билан бирга ҳақиқатга етиш ҳисобланади, аслида.

³¹ Имом Аҳмад ибн Қудом Мақсудий. Минҳожул қосидин мухтасари: Саодат изловчиларга қўлланма. / Тарж: Абдулхамид Муҳаммад Турсун. –Тошкент: “Movarounnahr”, 2014.-Б.15.

Ўрта аср ислом теологиясида ақл англаш имконияти бўлса, ўткир фаросат ҳосиласи – зийраклик, туғма қобилиятдан келиб чиққан гўзал бадиҳа, шу билан бирга, кўп йиллик тажриба ва турли синовларни бошдан кечириш ва турли синовлар билан умрини ўтказиб, унда қўлланган чоралар – мана шу икки жиҳат муктасаб ақлдан жамланса, фозил кишида бўладиган мутлақо етук ва комил ақл саналган. Билим ислом илоҳиётининг инсон борлигининг юксак кадрияти сифатида тушунтирилади. Ушбу далиллар ўрта аср мусулмон теологиясининг инсоният маънавий ва илмий ривожланишига қўшган бебаҳо ҳиссасининг энг муҳим, асосий негизларидан биридир.

Ақл ва унинг сифати тўғрисида теологлар турлича фикрда бўлишган. Бир тоифа теологлар фикрича, ақл латиф жавҳар, у туфайли хабар ва маълумотларни ажратиб олинади. Бу фикр тарафдорлари ақлнинг асл жойи қаерда бўлиши тўғрисида ихтилоф қилишади. Бир тоифа ақлнинг жойи мия, уни ҳис этиш ўрни деса, бошқа бир тоифа ақлнинг жойини қалб дейди ва уни ҳаётнинг манбаи ва сезгилар асосидир, деб таърифлади.

Маълумки, ҳар бир ишнинг илмини билиш, уни охирига етказиш ва мукамал адо этишга асосий омил бўлади. Мўътабар манбаларда машойихларимиз: “илмнинг афзали ҳол илмини билмоқликдир”, - деб таъкидлаганлар. Бундан ҳамма илмларни ўрганиш фарз бўлмаслигини тушуниш мумкин. Балки, ҳозир бажарилиши лозим бўлган амалнинг илмини билмоғи инсонга буюрилади. Шунда қилинадиган иши нуқсон ва камчиликлардан холи ва илм билан бўлгани сабабдан мукамал бўлади. Амалнинг афзали эса, хато ва нуқсонлардан муҳофазаланганидир. Бу муҳофазани илм билан ҳосил бўлиши ақли расо кишига сир эмас³². Демак, бир киши намоз ўқимоқни ихтиёр қилса, унга намозга оид бўлган барча илмларни билмоғи зарур бўлади. Шундагина унинг намози хатою камчиликлардан ҳолий ва мукамал бўлади.

Ўрта аср ислом теологиясида “илм” ва “маърифат” тушунчаларининг муҳокамаси катта аҳамиятга эга бўлган. Мутафаккирлар илоҳий билимга нисбатан “илм” тушунчасини, инсоний билимга нисбатан “маърифат” тушунчасини ишлатиш тўғри бўлади, деган фикрга келишган. XV асрга келиб эса мусулмон мутафаккирлари бу тушунчалар ўртасида маъно жиҳатдан катта фарқ йўқ, лекин шунга қарамасдан илоҳий билимга нисбатан “илм” тушунчасини, инсоний билимга нисбатан эса “маърифат” тушунчасини ишлатиш лозим, деган фикрда тўхталганлар.

Ислом теологиясида тафаккур қилиш бирор нарса ҳақида чуқур фикр юритиш сифатида келтирилади. Илоҳиётшунос Зиёвуддин Раҳимнинг “Ислом ақидаси” номли китобида келтирилишича, “Қуръони каримнинг ўн етти оятида тафаккур қилишга чақирилган. Зеро, инсон борлиқ ҳақида, Қудрати Аллоҳ яратган нарсалар ҳақида фикр юритса, имони мустаҳкамланади, Аллоҳга муҳаббати ортади. Комил имонлилар Аллоҳни доим эслайди, У Зот жорий этган нарсалар ҳақида тафаккур қилади”³³. Осмоннинг яратилишида,

³² Имом Зарнужий. Илм олиш сирлари. / Таржимон: З.Шарифов. –Самарқанд: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б. 5.

³³ Раҳим, Зиёвуддин. Ислом ақидаси(аҳли сунна вал жамоа). –Тошкент: Шарқ, 2020. -Б. 312.

унда улкан юлдузлар, сайёралар учиб юришида, ерда дарёлар оқизиб, тоғлар тиклаб, дарахтлар, ўсимликлар ундириб қўйилганида, кеча ва кундуз алмашилиб туришида, навбатма-навбат бири қисқариб, иккинчиси узайишида ақлли кишилар учун Аллоҳнинг ягоналигидан, қудрати чексизлигидан дарак берувчи аломатлар бор. Ҳақиқий мўминлар Аллоҳни доим: турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётган ҳолларида ҳам эслашади, осмонлар ва Ер яратилиши ҳақида фикр юритишади. Демак, Аллоҳнинг махлуқотлари, неъматлари, фазл-марҳамати ҳақида фикр юритиш имон зиёси, қалб нуридир. Ислом илоҳиётига кўра, тафаккур билан Аллоҳдан кўрқиш, уни яхши кўриш мартабасига эришилади, имонда камолотга эришилади ва у мўминнинг имонини мустаҳкамлайди, кофирга имон неъматига мушарраф этади.

Ўрта аср Шарқ илоҳиётшуноси ва мутафаккири Абу Ҳомид Ғаззолийнинг “Ихё улум ад-дин” асарининг муқаддимаси ҳам “Билим китоби” деб номланган. Илоҳиётчилар эпистемология – илмий фаолият асоси эканлигини ва илмий асарларнинг бошида кўрилиши лозимлигини белгилаб беришди. Лекин Абу Ҳамид ал-Ғаззолий учун билим муаммоси оддий имон муҳокамасига ўтиш ёки илмий ва педагогик назария ва амалиётининг методологияси бўлибгина қолмай, балки билимнинг кадр-қиммати ва зарарига бағишланган муҳокамага ҳам айланган эди. Ўрта асрлар ислом теологиясида илмга ишонч илоҳиёт тафаккурининг таянчи бўлган, дин ва имоннинг ҳақиқий моҳиятини англашда билим муҳим аҳамият касб этган. Мусулмон илоҳиётчилари томонидан илмнинг кучи ва инсон учун аҳамиятини ёритиш билан бирга, ислом динида илмга муносабат ва илмий-интеллектуал фаолиятнинг ривожланиши имкониятлари кўрсатиб берилган. Мазкур омиллар ҳам ислом фалсафасида илмий-интеллектуал фаолият маданиятининг ривожланишида эпистемологик таъсир муҳим роль ўйнаган.

Ўрта асрда ислом фалсафасининг шаклланиши, юнон фалсафаси асосда гносеологик қарашларини ривожланишида ал-Киндийнинг хизматлари юксак бўлган. Мутафаккир Абу Якуб ибн Исҳоқ ал-Киндий ўзининг гносеологик қарашларида ҳақиқатни билишда фалсафанинг ўрнини юқори баҳолаб, “Биринчи фалсафа” асарида унга “инсоннинг тоқати етгунча нарсалар ҳақиқатини билиш илми” деб таъриф берган. Унинг фикрича, “ҳақиқат изловчи учун ҳеч бир нарса ҳақиқатнинг ўзидан қимматроқ эмас”. Ўрта аср Шарқ гносеологик изланишларида биринчилардан бўлиб фанлар таснифини ал-Киндий ишлаб чиққан. У илмий билишнинг уч босқичи ҳақидаги таълимотни шакллантирган. У биринчи босқични мантиқ ва математика; иккинчи босқични физика (аниқ фанлар); учинчи босқични эса метафизика билан боғлиқ билим, деб ҳисоблади³⁴. Ал-Киндийга кўра, рационал қисми ҳисобланган фанларнинг вужудга келиши билан ислом дунёсида кўпроқ ақлий мушоҳадага мурожаат қиладиган бўлган. Бунгача муътазила гуруҳи туфайли ҳақиқатларни кашф этиш ва диний аҳкомларни асосланган ақлий мушоҳада ва рационал муҳокамалардан фойдаланиш бошланган эди. Муътазилийлар оқими ислом теологиясида рационализм

³⁴ Кедров Б. М. Классификация наук. В 3-томах. –Москва: Мысль, 1961-1965, –С. 52.

тарafdори сифатида маълумдир. “Улар Куръон ва ҳадисларни зоҳирий томондан содда англашдан юқори кўтарилиб, ақлий муҳокамаларга таянган ҳолда динни ҳимоя қила олдилар”³⁵. Натижада, ҳам ислом теологиясининг рационал асослари ҳам мустаҳкамланиб борган.

Неоплатонизмнинг эманацияси – тажаллий ғояси Шарқ аристотелчиларига, хусусан, Ал-Киндийга ҳам муайян даражада таъсир кўрсатган бўлиб, уларнинг диққат марказида материя, табиат, инсон уларни Аллоҳ билан бирлиги ҳақидаги таълимот турар эди. Бу пантеистик таълимот бўлиб, Ал-Киндий унинг сўл қанотида турар, натурфайласуфларнинг асарлари ҳам шу руҳ билан суғорилган эди. Пантеистларнинг сўл қанотида кейинчалик Форобий ва Ибн Сино каби буюк алломалар етишди, улар табиатни ўрганишни, табиатшуносликни ривожлантиришни, хурфикрликни, ҳамма ҳодисаларга ақл ва руҳий интилишлар билан ёндашишни ёқлаб чиққан аристотелизм издошлари эдилар.

Абу Наср ал-Форобий ўзининг “Ихсо ал-улум” (“Фанлар таснифи”) асарида гносеологик ва теологик билимларнинг умумий тизимини келтиради. Унда фикр ва калом устунлик қилувчи фалсафий билимларни тўлдирувчи илмлар қаторига киритилган³⁶. Форобийшунос олим М.М. Хайруллаевнинг фикрига кўра, Форобий фалсафий таълимоти “моҳият-эътибори билан анъанавий илоҳиёт – каломдан тубдан фарқ қилиб, илмий ғоялар билан йўғрилган”³⁷.

Форобий таснифида муҳим аҳамият касб этувчи яна бир жиҳат бу - билимларнинг амалий ва назарийларга ажратилиши бўлган. Амалий билимлар - инсоннинг фаровонликка етиштирувчи фаолияти билан боғлиқ бўлган бўлса, назарий билимлар инсон ва унинг фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаган, яъни умумий тушунчалар моҳиятини билиш бўлиб, мақсади ҳақиқатни излашдан иборат бўлган.

Ибн Рушд эса Афлотун гносеологияси таъсирида қуйидаги хулосага келади: Бу дунёнинг ўзгармас моҳияти алоҳида қобилиятга эга, у ўта сезгир одамларнинг фаолияти орқали англаб олинади. Бунинг иккинчи йўли эса, кишилар томонидан моҳиятнинг ҳосиласи бўлмиш, нарсалар дунёсини ташкил этувчи воқеа ва ҳодисаларнинг ўзаро алоқадорлиги, сифат ҳамда хоссаларини ўрганиш асосида ҳам моҳиятни англаб олиш мумкин.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашлари ўртасидаги турлича ёндашувлар, нуқтаи назарлар, позициялар бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлиб, араб-мусулмон тафаккур ва фикрлаш тарзига, плюрализм, эпистимологик таянчнинг мавжуд бўлиши ислом динининг ақидавий мустаҳкамланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бундай плюрализм илк мусулмон маданиятида илмий уйғониш юзага келаётган даврга хос бўлган ҳодиса ҳисобланади. Кейинчалик, секин-аста бу плюрализм айрим даврларда емирилиб, мутаассиблик устунлик қила бошлайди. Бироқ бугунги исломнинг

³⁵ Хотамий С. М. Ислом тафаккури тарихидан.–Тошкент: Минҳож, 2003. –Б.56.

³⁶ Хайруллаев М.М. Абу Наср аль-Фараби. – Москва: Наука, 1982. – С.102.

³⁷ Хайруллаев М.М. Абу Наср Форобий // Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). – Тошкент: А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. – Б.65.

ақидавий ва фикҳий мустаҳкамлигини ўша давр ислом теологиясининг кучли ривожланиши билан далиллаш мумкин.

Диссертациянинг **“Янги Ўзбекистонда диний ва дунёвий илмлар уйғунлигини таъминлашда Шарқ мутафаккирлари гносеологик ҳамда теологик қарашларининг ўрни”** деб номланган тўртинчи бобида замонавий жамиятда ёшларни диний ва дунёвий илмлар асосида етук шахс қилиб тарбиялашда ажодлар меросидаги теологик ҳамда гносеологик қарашларнинг аҳамияти шунингдек, маърифатли жамиятни барпо этишда ўрта аср мусулмон шарқи теологик ва гносеологик таълимотларининг ўрни таҳлил этилган.

Ислом дини кириб борган ўлкаларда кишилар хулқ-атворида соддалик, мулойимлик, ватанпарварлик, каттага ҳурмат, кичикка иззат, бағрикенглик каби инсоний фазилатларнинг юқори чўққига кўтарилгани ва шу асосда илм-фан тараққий этиб, инсонлар ҳаёти фаровон бўлиб, жамиятда осудалик ва барқарорлик устувор бўлганини кўриш мумкин. Чунки ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашлари асосида ислом ақидалари орқали инсонлар ҳаётини осонлаштириш, муҳтожларга ёрдам бериш, бировнинг ҳақиқага хиёнат қилмаслик, ҳалоллик ва покликка тарғиб қилиш юксак даражада таҳлил қилинган ва уларнинг ижтимоий муҳитдаги таъсири кучли бўлган. Жумладан, Муоз ибн Жабални Яманга юбораётганларида унга насиҳат қилиб, “Осонлаштиринг, оғирлаштирманг. Хушxabар беринг, нафратлантirmanг. Ўзаро ёрдам беринг ва ихтилоф қилманг”, - деганлар (Имом Бухорий ривояти)³⁸. Шунга ўхшаш бошқа бир фикрни Абу Ҳомид Ғаззолий билдиради. Унингча, “илм гўё бадан ҳолатига ўхшайди. Танада ҳам соғлик ва чирой каби ози ҳам, кўпи ҳам фойдали бўлган ҳолатлар бор. Хунуклик ва ёмон хулқ каби кўпи ҳам, ози ҳам мазмум бўлганлари мавжуд. Яна эса, мол сарфлашдаги каби иқтисод қилинганда маҳмуд саналадиган ҳолатлар бор. Чунки мол сарфлашда исроф қилиш маҳмуд эмас, иқтисод билан меъёрида бўлгани маҳмуд, зиёдаси мазмумдир. Илм ҳам шунга ўхшаш. Унинг бир тури борки, ози ҳам, кўпи ҳам мазаммат қилинган. Ундай илмдан дин ва сеҳр, тилсимот каби илмлар мисол бўлади. Инсон тасаррувидаги қимматбаҳо умрни бундай фойдасиз амалларга сарфлаш исрофдир. Исроф эса, мазаммат этилади. Аммо шундай илмлар борки, дунёвий эҳтиёжларни қондириш учун улар зиёда қилинади, бу эса, алал-оқибат зарарга олиб олиб боради”³⁹. Бундан ҳам кўринадики, ислом дини инсонлар турмушини енгиллаштириш ва турли машаққатлардан халос этиб, ўзаро тотув ҳаёт кечиришга чорлашдир.

Замонавий ислом гносеологик-теологик қарашлар тизимининг намоён бўлиш ҳолати, ўзгаришлар жараёнини, анъаналарини ўрганиш ҳам долзарб вазифалардан бирига айланмоқда. Зеро, “биз Аллоҳнинг Китоби ва Пайғамбар суннатида шаръий аҳкомларни, шунингдек, умматнинг аввали қандай азиз бўлганини билишимиз билан бир қаторда, ўз тарихимиздан ташқари

³⁸ Ислом маърифати ва ҳозирги замон. / Маъсул муҳаррир А.Абдуллаев. –Тошкент: Тошкент ислом университети, 2017. –Б. 4.

³⁹ Ғаззолий, Абу Ҳомид Муҳаммад ибн Муҳаммад. Ихё улум ад-дин. / Таржимон Мубашшир Аҳмад. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2014. –Б.90.

бошқаларнинг тажрибаларини ўрганиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Баъзи донишмандларимиз Ғарб тажрибасини ўрганишга қаршилар, сабаби – улар таъсиридан ўзликимиздан узоқлашиш хавотиридир. Албатта, бу ўринли. Лекин ўз қадриятларимиздан воз кечмаган ҳолда инсоният тажрибасини ўрганиш зиён қилмайди”⁴⁰. Демак, замонавий илоҳиётшуносликни ривожлантириш, гносеологик қарашларни толерантлаштириш билан бирга мувозанатни тўғри шакллантира оладиган илм эгаларини тарбиялаш долзарб вазифалардандир. Зеро, Саҳл ибн Абдуллоҳ айтади: “Олимлардан ташқари ҳамма одамлар ўликдир. Олимларнинг илмига амал қилаётганидан ташқари ҳаммаси мастдир. Амал қилувчиларнинг мухлисларидан бошқа ҳаммаси ғурурга кетгандир. Ихлос билан амал қилганлар хатардадир”⁴¹. Демак, Ғарб илмий муҳитидан фойдалисини ажрата оладиган олимларни тарбиялаш мусулмон мамлакатлари учун долзарб вазифага айланди. Бунинг учун ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашларини чуқур ўрганиш, уни замонавий шароитда ривожлантиришда араб-мусулмон анъаналарини Ғарб анъаналари билан солиштириш, аҳамиятли томонларидан хулоса чиқариш муҳим аҳамиятга эгадир.

Бироқ бугунги кунда айрим шахслар томонидан исломий ақидаларни ўзича талқин қилиш, динни ўзи учун қийин қилиб олиш ва ўзгаларга ҳам машаққатли кўрсатишга ҳаракатлар кузатилмоқда. Жумладан, мусулмонлар ҳаётини оғирлаштиришга сабаб бўлувчи фатволар бериш, аслида мубоҳ, яъни ҳалол саналган нарсаларни макруҳ ёки ҳаромга чиқариш ҳолатлари учраб турибди. Шунингдек, баъзи мусулмонлар ислом ҳукмларини тушунишда мутаассибона қарашларни ёқлаб, диний кўрсатмаларни тушуниш ва уларга амал қилишда ихтилоф чиқариб, ўз фикрини диндаги энг тўғри ва ягона исломий қараш санаб, ўзгача дунёқарашдаги инсонларга нисбатан кескин муносабатда бўлмоқдалар. Президент Ш. Мирзиёев таъкидлайдики, “Минтақа аҳолисининг бир қисми дунёвийликни атеистик тизим деб қабул қилмоқда...Айрим диндорлар орасида Конституцияга риоя қилиш ва жамият олдидаги мажбуриятлардан бош тортиш ҳолатлари кузатилмоқда. Уларнинг қонунларга, давлат рамзларига, халқларнинг миллий-маънавий анъана ва қадриятларига, шунингдек, умумэътироф этилган хулқ-атвор меъёрларига нисбатан хурматчизларча муносабатда бўлиш ҳолатлари тез-тез учрамоқда”⁴². Натижада, инсонлар ўртасида ўзаро нифоқ, бир-бирига нисбатан адоват қилиш, майда масалаларни глобал диний муаммо қилиб кўрсатиш, оқибатда, мусулмон жамиятларида ички низоларнинг авж олиши, парокандалик, бўлиниш ва беқарор вазиятнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Мана шундай ҳолатлар асосида замонавий илоҳиётшуносликнинг суст ривожланаётганлигини, ислом маърифатининг юзаки қабул қилинаётганини кўриниб қолмоқда. Шу боис ҳам бугун ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашларини ўрганиш ва шу билан бирга ислом

⁴⁰ Саржоний, Доктор Роғиб. Ислом ва олам. –Тошкент.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б. 4.

⁴¹ Самарқандий, Абу Лайс. Танбеҳул ғофилин. / Тарж. Д.Қўшоқов; Масъул муҳаррир Шайх Абдулазиз Мансур. –Самарқанд.: Имом Бухорий халқаро маркази, 2020. –Б. 370

⁴² Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. –Б. 403.

илоҳиётшунослиги билан чуқурроқ танишиш ва кенг исломий дунёқарашни шакллантириш муҳим вазифалардан биридир.

Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик ва теологик қарашлари ўрганиш орқали шуни англаш мумкинки, ҳақиқий илоҳиётшунослар ҳам ёки бошқа илмлар вакиллари ҳам ҳар қандай вазиятда илм эгаллаш лозимлигини, илм инсонларни адашишдан асровчи ягона нажот эканлигини кўп бора таъкидлаганлар. Исломга кўра, ҳам илмсиз ҳаёт мазмунсиздир. Илм йўқолиши қиёмат яқинлашганидан белгидир. Шу ҳақда Бухорий ва Муслим ривоятида Пайғамбар алайҳиссалом дейдилар: “илмнинг кўтарилиб кетиши, жоҳиллик тарқалиши, маст қилувчи ичимликлар ичилиши, зино авж олиши – қиёмат аломатларидандир”. Илм кўтарилиши қалблардан ўчиб кетиш билан бўлмайди, балки уламолар ўлиши билан бўлади. Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Расулulloлоҳ соллоллоҳу алайҳи вассаллам шундай деганларини эшитдим: “Аллоҳ илмни бандаларидан тортиб олмайди, лекин олимларни олиш билан олади. Олим қолмагандан кейин одамлар илмсиз, жоҳил кимсаларни бошлиқ қилиб оладилар. Улардан савол сўраганларида, илмсизлар фатво бериб ўзларини ҳам, ўзгаларни ҳам адаштирадилар”⁴³. Дарҳақиқат, олимларнинг ўлими зилзила, сув тошқинидан ҳам катта офатдир. Зеро, олим ларўлиши билан фасод кўпаяди, ҳаёт ўз қийматини йўқотади.

Ўтган асрларда мусулмонлар “фойдали илм” тушунчасини нотўғри талқин қила бошлашди. Улар онгига фақат шаръий илмлар фойдали деган фикр ўрнашиб қолди. Аслида дунёвий илм ҳам Қуръони карим ва суннатда мақталган мутлақ илмга киради. Бироқ баъзи инсонлар диний илмларда савоб бор, дунёвий кўринишида эса йўқ, деб тушунишади. “Дунёвий илмлар” деган термин кўпчилик диндорларда исломдан узоқлаштирувчи илм деган тасаввур уйғотади. Физика, кимё, биология каби фанларга гўёки диндан чалғитиш учун ўқитилгандек муносабатда бўлишади. Бу фикрлар асоссиз бўлиб, агар мусулмон ниятни тўғри қилса, физика, кимё, биология каби илмлар орқали ҳам жаннатга кириш мумкин. Дунёвий илмлар мусулмонларни азиз қиладиган диний илмдир.

Диссертант юқорида зикр қилинган фикрлардан келиб чиқиб таъкидлайдики, ислом инсонларни илмга тарғиб қилибгина қолмай, балки ўзи ҳам айнан илмий асосга эга эканини билиб олиш мумкинлигини, исломнинг дин сифатида мавжудлигининг ўзи унинг илмий ҳақиқатнинг айнан ўзи эканини англаб етишни, исломнинг ҳамма таълимотлари илмий доирада эканини тушунишни тақлиф этади.

Аввал ғарбликлар исломни ҳам бошқа динлар каби, илмга қарши қўйдилар. Аммо исломда ҳаммаси бошқача бўлиб чиқди. Илм ривожланиб борган сари унинг Исломда келган маълумотларни тасдиқлаши кучайиб борди. Аста-секин ислом ақийдасида келган маълумотларнинг тўғрилиги илмий кашфиётларни далил сифатида келтириш йўлга қўйилди. Бу иш ҳозир

⁴³ Саржоний Доктор Роғиб. Ислом ва олам. –Тошкент: Имом Бухорий халқаро маркази, 2018. –Б. 8.

ҳам давом этмоқда⁴⁴. Шу тариқа исломдаги ақидавий масалаларга илмий далил келтириш юзага келди.

Ислом илоҳиётида шариат аҳкомлари инсонни мукамал бахт-саодат билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратади. Бу ҳақиқатни тушуниш учун инсоннинг бахту саодатига оид барча бугунги кунда кўтарилаётган масалалар мана шу беш муҳим нарса – дин, жон, ақл, насл ва молни асраш, муҳофаза қилиш иши билан боғлиқдир.

ХУЛОСА

Олиб борилган тадқиқот асосида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинган:

1. Ислом динининг кенг ёйилиши, йиллар ўтиб мусулмонларнинг бошқа дин ва маданиятлар билан юзлашиши натижасида янги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг шаклланиши вазиятни, муносабатларни ўзгартириб юборади ва бу ўзгаришларни тушунтириш учун Қуръон ва ҳадислардаги далиллар билан бир қаторда ақлий далилларга олдингидан ҳам кўпроқ эҳтиёж пайдо бўлади. Бу эса ислом оламида гносеологик ва теологик қарашларни ривожланишига таъсир кўрсатган.

2. Ўрта аср Шарқ алломаларининг гносеологик қарашлари ва билишга доир фаолияти дастлаб ислом дини томонидан инкор қилинган бўлсада, кейинчалик ақлий ва мантиқий муҳшоҳадакорликнинг ўсиши, илмий бахсларнинг ривожланиб бориши билан гносеологик қарашларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлашга эҳтиёж юзага келган. Бундан ўрта асрлар ислом илоҳиётшунослигининг юзага келишини ислом таълимоти билан фалсафанинг синтезлашуви хосиласи эканлиги келиб чиқади.

3. Ўрта аср Шарқ алломаларининг қарашлари метафизика (илк, бошланғич асос ва унинг кўп дунёларга муносабати, мавжудлик-номавжудлик модуслари ва улар ўртасидаги муносабат, сабаблилик), билиш назарияси (билиш шакллари, ҳиссий, ақлий ва интуитив билиш), инсон ҳақидаги таълимот (инсон ҳаракат ва билиш қобилиятига эга бўлган мавжудот сифатида, инсоннинг дунё ва илк негизга (бошланғич асосга) амалий-билиш тарзидаги муносабати) каби соҳаларга қаратилган ва уларни чуқур ўзлаштириш ва ислом ақидалари билан боғлаш асосида соф илмий муҳит шаклланган.

4. Ислом илоҳиёти бир-бири билан муқобил бўлган учта муҳим оқимлар – калом, ислом шариат, тасаввуф ва фикҳ таъсирида ривожланиб борганлиги

⁴⁴ Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Мукамал саодат йўли. –Тошкент: “HILOL-NASHR”, 2019. –Б. 28-30.

ва уларнинг ўзаро уйғунликда ривожланиши, бир-бирини тўлдириши ислом теологиясини юксак даражада ривожланишини янги босқичга олиб чиқади.

5. Ўрта аср Шарқ алломаларининг теологик-гносеологик қарашлари шаклланиши сурияликлар, араблар, эронликлар, туркий халқлар, барбарлар ва бошқа миллат вакиллари иштирок этган мураккаб фикрий жараён ҳосиласи ҳисобланади. Ўрта асрлада юнон, ҳинд ва форс халқларининг илмий мероси ва фалсафсининг таржимачилик фаолиятини ривожланиши ортидан ислом дунёсига кириб келгани ва бу ислом мутафаккирлари қарашларига кучли таъсир кўрсатганлигини, гносеологик-теологик қарашлар мустаҳкамланиб борганини кўриш мумкин.

6. Ислом илоҳиёти бўлган калом илмининг шаклланиш ва ривожланишига ислом ақидаларига аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннатдан далил келтириш билан кифояланиб бўлмай қолган, қарши тараф ақлий далил ҳам келтиришни талаб қилиши таъсир кўрсатганлигини кўриш мумкин. Ислом илоҳиёти янгича дунёқараш сифатида кенг тарқала бориши билан бирга аста-секин унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий, адабий томонларини ишлаб чиқишга эътибор кучайган.

7. Ислом теологиясининг эпистемологик моҳияти унинг ишонч асосидаги илмий, ақлий ва тафаккурий плюрализми ўзаро баҳс-мунозаралар муҳитида эканлигини кўриш мумкин. Ислом илоҳиётида инсон ақли ва тафаккури жуда қадрланган ва унинг имкониятлари, Аллоҳни англашдаги роли юқори баҳоланган. Шу боис ҳам ислом фалсафаси, ислом маданияти ўзининг юксак ривожланиш чўққисига чиқа олган.

8. Ўрта аср Шарқ алломаларининг теологик-гносеологик қарашларида “илм” ва “маърифат” тушунчаларининг муҳокамаси катта аҳамиятга эга бўлган. Мутафаккирлар илоҳий билимга нисбатан “илм” тушунчасини, инсоний билимга нисбатан “маърифат” тушунчасини ишлатишганини кўриш мумкин.

9. Мусулмон дунёсида исломий маърифатнинг кучсизланиши, таълимнинг инқирози ортидан ислом ақидаларини тушунишда мутаассибона қарашларни ёқлаб, диний кўрсатмаларни тушуниш ва уларга амал қилишда ихтилоф чиқариб, ўз фикрини диндаги энг тўғри ва ягона исломий қараш санаб, ўзгача дунёқарашдаги инсонларга нисбатан кескин муносабатда бўлувчи мутассиб фикрловчиларнинг кўпайиб кетаётганлиги сабабли инсонлар ўртасида ўзаро нифок, бир-бирига нисбатан адоват қилиш, майда масалаларни глобал диний муаммо қилиб кўрсатиш, оқибатда, мусулмон жамиятларида ички низоларнинг авж олиши, паркандалик, бўлиниш ва беқарор вазиятнинг вужудга келишига содир бўлмоқда. Бу эса ўрта асрлар

Шарқ гносеологик ва теологик қарашлар муҳитига хос толерант ва тоқатли илмий мунозаралар муҳитини яратиш вазифаларини келтириб чиқармоқда.

Тадқиқот натижалари асосида амалиётга жорий этишга қаратилган қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. Республикамиз олий таълим тизимидаги филология, ижтимоий-гуманитар, туризмга ихтисослашган олий таълим муассасаларида ва таълим йўналишларида “Илоҳиётшунослик”, “Тасаввуф гносеологияси”, “Ислом фалсафаси”, “Дин ва илоҳиётшунослик”, “Шарқ теологияси” каби фанларни ўқув режаларга киритиб, янги ўқув курсларини жорий этиш ва уларнинг дастурларини ишлаб чиқиш;

2. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида бўлгани каби ижтимоий фанларга ихтисослашган илмий кенгашларда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш рўйхатига илоҳиётшунослик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), илоҳиётшунослик фанлари доктори (DSc) каби илмий даражаларни алоҳида тартибда бериш;

3. Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Мир Араб олий мадрасаси тизимида ўқитиладиган фанлар тизимига “Илоҳиётшунослик асослари” фанини киритиш орқали янги авлод ўқув адабиётларини ва тушунчалар таснифини ишлаб чиқиш, электрон дарслик ва қомусий луғатлар яратиш;

4. Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида диний-маърифий соҳа ходимлари, “Фикҳ илми мактаби”, “Тасаввуф мактаби” тингловчилари ва мударрислар учун ташкил этиладиган малака ошириш курсларида ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг теологик ва гносеологик таълимотлари ҳамда аҳамиятига бағишланган модуллар ишлаб чиқиш;

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Дин ишлари бўйича қўмитаси ва Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик университети, диний соҳага ихтисослашган таълим муассасалари ҳамкорлигида ҳар йил “Ўрта аср Шарқ мутафаккирларининг теологик ва гносеологик таълимотларини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари: ўтмиш ва ҳозирга замон” мавзусида халқаро конференциялар, симпозиумлар ўтказиш;

6. Жаҳоннинг нуфузли қўлёзма фондлари ва кутубхоналарида сақланаётган Шарқ мутафаккирлари, хусусан Марказий Осиёда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг теологияга бағишланган асарлари, бирламчи манбаларни мамлакатимизга олиб келиб, Ўзбекистондаги Ислом цивилизация маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказлари билан ҳамкорликда таржима ишларини амалга оширган ҳолда, интернет тармоғида сайт яратиш, теологик асарлар каталогини яратиш;

7. Шарқ мутафаккирларининг теологик қарашларига доир “Жаҳон динларида илоҳиётшунослик масалалари”, “Ислом теологияси ва гносеологияси”, “Илоҳиётшуносликнинг фалсафий муаммолари”, “Шарқ мутафаккирларининг теологик қарашлари” мавзуларида монографиялар тайёрлаш ва чоп этиш мақсадга мувофиқ.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/27.02.2020.F.72.08.
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ФЕРГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

СИДДИКОВ ИЛЁСЖОН БАХРОМОВИЧ

**ВЗАИМНЫЙ СИНТЕЗ ГНОСЕОЛОГИЧЕСКИХ И ТЕОЛОГИЧЕСКИХ
ВОЗЗРЕНИЙ СРЕДНЕВЕКОВОГО ИСЛАМСКОГО ВОСТОКА:
ИСТОРИКО-ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ**

09.00.03 – История философии

**АВТОРЕФЕРАТ
ДОКТОРА НАУК (DSc) ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Бухара – 2022

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2021.4.DSc/Fal104.

Диссертация выполнена в Ферганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.buxdu.uz) и на Информационно-образовательном портале "Ziyonet" (www.ziyonet.uz).

Научный консультант: Юлдашев Махамадилхом Мамаюнисович
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты: Тураев Бахтиёр Омонович
доктор философских наук, профессор
Мадаева Шахноза Омонуллаевна
доктор философских наук, профессор
Намозов Бобир Бахриевич
доктор философских наук, доцент

Ведущая организация: Международная исламская академия Узбекистана

Защита диссертации состоится "28" ИЮЛЯ 2022 г. в "10⁰⁰" часов на заседании Разового научного совета PhD.03/27.02.2020.F.72.08 по присуждению ученых степеней при Бухарском государственном университете. (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М.Икбол, 11. Тел.: (65) 221-29-14; факс: (65) 221-57-27, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирован под № 140). (Адрес: 200114, г.Бухара, ул. М. Икбол, 11. Тел.: (65) 221-25-87.)

Автореферат диссертации разослан "15" ИЮНЯ 2022 года.
(Протокол реестра № 10 от 15 ИЮНЯ 2022 года.



Наврузова Г.Н.

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор,

Шарипов А.З.

Ученый секретарь научного совета,
по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, доцент

Саломова Х.Ю.

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней,
доктор философских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Во всем мире средневековые религиозно-философские учения мусульманского Востока, благодаря своеобразной гносеологической и теологической сущности, признаны в истории человеческих цивилизаций теоретическими основами современных знаний. Лежащие в основе взглядов средневековых исламских ученых, мыслителей идеи о гуманизме, правдолюбии, познании мира, духовно-психическом воспитании, обеспечении органического соответствия, гармонии религиозных и светских знаний, достижении интеллектуальной и нравственной зрелости приобретают важное значение в создании современного, просвещенного, стабильного общества. В современный период, когда происходит обострение социально-политических изменений, сохраняет свое научно-теоретическое значение необходимость поиска решений вопросов воспитания подрастающего поколения, обладающим всесторонним интеллектуальным потенциалом, духовной зрелостью, и защиты его от влияния различных чуждых человечности идей посредством направленных на гуманистические цели гносеологических, теологических взглядов наших предков.

В авторитетных научно-исследовательских центрах, образовательных учреждениях мира осуществляются фундаментальные исследования, посвященные оценке вклада мыслителей Востока в развитие мировой науки и философии, определению точек сопряжения их гносеологических и теологических воззрений, их гуманистических концепций. В частности, в современной философии выдвигается кластерная теория по изучению взглядов, имеющих отношение к синтезу теологических и гносеологических взглядов на мусульманском Востоке. Эти теории в связи с недостаточной изученностью проблем интеграции светских и религиозных ценностей, гармонии общечеловеческих ценностей на единой основе вызывают необходимость новых подходов, современных масштабных отраслевых исследований.

В нашей стране уделяется особое внимание всестороннему глубокому изучению и пропаганде научного и духовного наследия наших предков в целях воспитания просвещенной, духовно-психически зрелой, обладающей интеллектуальным потенциалом молодежи, воспитании подрастающего поколения достойными наследниками соответствующих духу времени идей наших предков. «Неповторимое и уникальное научное и духовное наследие должно превратиться в постоянно действующую жизненную программу. Это бессмертное наследие должно быть всегда под рукой, постоянно вселять в нас силу и вдохновение... Для этого необходимо, чтобы наши ученые и специалисты, уважаемые представители духовенства доводили до сознания современного поколения эту духовную сокровищницу в простом, понятном и привлекательном виде»¹. В этой связи возникает необходимость

¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. –Тошкент: “O‘zbekiston”, 2021. – Б. 224.

всестороннего научно-теоретического исследования сформированных на основе гуманистических концепций и имеющих конструктивное значение философских идей ученых средневекового мусульманского Востока, пропагандирующих гуманистическую сущность исламской религии.

Диссертация в определенной степени служит реализации задач, поставленных в Указах, Постановлениях Президента Республики Узбекистан УП-60 от 28 января 2022 года «О Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы», УП-6108 от 6 ноября 2020 года «О мерах по развитию сфер образования и воспитания, и науки в новый период развития Узбекистана», УП-6255 от 1 июля 2021 года «Об утверждении Национальной стратегии Республики Узбекистан по противодействию экстремизму и терроризму на 2021-2026 годы», ПП-3080 от 23 июня 2018 года «О мерах организации Центра Исламской культуры в Узбекистане при Кабинете Министров Республики Узбекистан», ПП-3907 от 14 августа 2018 года «О мерах по поднятию на качественно новый уровень системы духовно-нравственного и физически гармоничного воспитания молодежи, ее обучения и воспитания», ПП-4307 от 3 мая 2019 года «О дополнительных мерах по повышению эффективности духовно-просветительской работы», ПП-5040 от 26 марта 2021 года «О мерах по коренному совершенствованию системы духовно-просветительской работы» ПП-126 от 10 февраля 2022 года «О дополнительных мерах по совершенствованию системы хранения и исследования древних письменных источников» и других нормативно-правовых документах, касающиеся данной сферы.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-просветительского развития информационного общества и демократического государства и путей ее реализации».

Обзор зарубежных научных исследований по теме диссертации². Вопросами изучения философско-мистических идей в гносеологических и теологических учениях мусульманского Востока и влияния их на развитие мировой философской мысли занимается ряд научно-исследовательских институтов, центров и научных и образовательных учреждений мира, в том числе, Institute of Islamic Studies - University of the Philippines (Филлипины), Institute of Islamik Studies (Канада), The Institute for Islamik World Studies, Zayed University (ОАЭ), Cembridge, Oxford, London universities (Великобритания), Institute of Islamic Studies (Германия), Institute of arab and Islamic Studies (Великобритания), Departament of Asian and Asian American Studies at Stony Brook University (США), The Islamik Studies program at the University of Detroit (США), Sorbone University (Франция), International Institute for Islamic

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.en.hs-furtwangen.de>; <https://www.en.uni-muenchen.de>; <https://www.univ-lille.fr>; <https://www.lse.edu>; <https://www.umich.edu>; <https://www.doshisha.ac.jp>; <https://www.utoronto.edu>; <https://www.cbu.ca>; <https://www.unn.ru>; <http://library.fes.de/>; <https://www.ritsumei.ac.jp/> ва бошқа манбалар асосида тайёрланган

Studies(Иран), а также в передовых высших образовательных учреждениях мира, научно-исследовательских центрах и востоковедческих центрах осуществляются научные исследования, посвященные исламским учениям, взглядам мыслителей средневекового Востока на философию и теологию, их влияния на исламское мышление.

В результате анализа философских аспектов имеющих теологическое и гносеологическое значение идей во взглядах крупных религиозных улемов, ученых, мыслителей, в частности, научных исследованиях философско-мистических вопросов в философии калама, тасаввуфа получен ряд следующих результатов: научно обоснована духовное наследие мыслителей Центральной Азии в истории калама, в частности, религиозная толеранность в относящихся к каламу источниках, интегрирование исламских ценностей в современном светском обществе, предотвращение попираания мира, справедливости, прав человека, пропаганда духовно-психического совершенствования (Islamic Supreme Council of America, ISCA – Исламский Верховный Совет Америки); обоснованы в историко-философском аспекте взаимосвязь и взаимовлияние теологических и гносеологических вопросов в наследии мыслителей средневекового мусульманского Востока с современными философскими учениями, процесс их синтеза (University of Birmingham school of philosophy theology and religion islamic studies.); разработана классификация научного и духовного наследия ученых средневекового мусульманского Востока, особенно источников гносеологического и теологического содержания (Институт восточных рукописей АН РФ, Россия); обосновано развитие мыслителями Востока таких религиозных наук, как калам, тасаввуф, хадисоведение, фикх, и преемственное влияние этих учений на развитие философской мысли (School of Culture, religions and policy in Asia, Великобритания).

По изучению философских аспектов теологических и гносеологических учений мутакаллимов, мутасаввифов в мире осуществляются исследования в следующих приоритетных направлениях: раскрытию религиозно-философских взглядов на сотворение мира, сущности, именах, качествах Аллаха, отношений человека и мира, причин склонности человека к добру и злу; создание научных концепций, имеющих отношение к религиозной толерантности, взаимному согласию, честному труду, формированию чувства милосердия и взаимного уважения; обогащение запасов общечеловеческого духовного наследия; антропологических проблем в теологии, предотвращение социальных кризисов и кризисов духовно-нравственного своеобразия; раскрытие гуманистического значения научного наследия ученых средневекового Востока в дальнейшем обогащении истории теологических учений.

Степень изученности проблемы. Вопросы о вкладе средневековых ученых Среднего и Ближнего Востока в развитие мировой науки, философии, теологии, изучения значения их гносеологических и теологических взглядов Большое место занимают в исследованиях западных востоковедов, исламоведов и философов, таких как Н. Suter, G. Sarton, R. Donald, M. Ulmann,

C. Brockelmann, A. Jourdain, E. Renan, S. Munk, T. J. De Boer, O'leary De Lacy, Cruz Hernandez, W. M. Watt, H. Corbin, Ф. Роузенталь, Адам Мец, Т. Ж. Уинтер, Густав фон Грюнебаум, А. Шиммель, Р. Наллино, М. Хотами³ и других.

Важным источником являются также монографические исследования арабских ученых, таких как Имам Ахмад ибн Кудома Максуди, Шамсиддин Абу Абдуллох Мухаммад ибн Ахмад ибн Усмон ибн Каймоз ибн Абдуллох Захаби, Хоний аль-Хадж, Махмуд Асъяд Джушон, Мухаммад Зако Кунрапа, Абдурахмон Рафъат Паша⁴.

Важное методологическое значение имеют относящиеся к теме исследования таких ученых стран СНГ, как В. Бартольд, И. Крачковский, Д. Кныш, Е. Бертельс, М. Степанянц, Б. Кедров, Г. Матвиевская, Б. Розенфельд, Е. Фролова⁵.

Онтологические, гносеологические и антропологические взгляды представителей тасаввуфа исследованы такими отечественными учеными, как И. Насыров, Б. Вахובהва, М. Болтаев, Н. Комилов, Э. Каримов, Р. Шодиев, Г. Наврузова, С. Сайфулло, Н. Сафарова, Г. Юнусова; взгляды относящиеся к тасаввуфу, права женщин на получение знаний, образования в исламе и задачи, которые ставятся перед людьми, получающими знания, изучены в исследованиях таких ученых, как М. Хасаний, Б. Намозов, К. Рахимов,

